31 ЯНВ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

• № 13 (10.009). • 1991 йил 18 январь • жума • Баҳоси 6 тийин.

Литва ССЖдаги воқеалар муносабати билан КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг

БАЁНОТИ

Литвада кун сайин мушкуллашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий танглик ва ўткир сиёсий қарама-қаршилик ҳукуматнинг истеъфо беришига ва 12 январдан 13 январга ўтар кечаси ошкора тўқнашув рўй бериб, оғир оқибатларга ва одамларнинг қурбон бўлишига олиб келди.

КПСС Марказий Қўмитасининг Сиёсий бюроси одамларнинг ҳалок бўлганлиги муносабати билан қаттиқ қайғуради, уларнинг қариндош-уруғларига ва ёру биродарларига, азият чеккан кишиларга ҳамдардлик изҳор этади.

Литва ССЖдаги кескин вазият давом этаётганини эътиборга олиб, КПСС Марказий Қўмитасининг Сиёсий бюроси қуйидагиларни билдиришни зарур деб ҳисоблайди.

Литвадаги фожиали воқеалардан аввал жумҳурият Олий Кенгаши ва давлат идоралари миллий белгиларига, ўртоқлигига, касбига, қайси партияга мансублигига ва шу кабиларга қараб фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўпол камситадиган, ҳақиқатда бошқача фикрлашни тақиқлайдиган кўпгина ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилди.

Маълумки, шу йил 10 январда Литвадаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳаддан ташқари кескинлашганлиги муносабати билан ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Литва ССЖ Олий Кенгашига бевосита мурожаат этиб, жумҳуриятда ССЖИ Конституциясининг ва Литва ССЖ Конституциясининг тўла амал қилишини дарҳол тиклашни, илгари қабул этилган конституцияга зид ҳужжатларни бекор қилишни таклиф этди. Бироқ Литва раҳбарияти ССЖИ Президентининг амалий таклифларини эътиборга олмади. Литва раҳбарияти вазиятни холисона баҳолаш ва томонларни келиштириш йўлларини излаш ўрнига ССЖИ Олий Кенгаши ва ҳукуматининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ниятлари хусусида ёлғон-яшиқ гапларни тарқатиш йўлига ошкора ўтиб олди, масалани сиёсий воситалар билан ҳал этишдан ҳар хил баҳоналар билан бўйин товламоқда.

Жумҳурият радиоси ва телевидениеси орқали Литва ССЖИ билан уруш ҳолатида турибди, Совет Қуролли Кучлари эса босқинчилар деб ҳисобланиши керак, деган баёнотлар берилди. Айрим депутатлар парламентда амалий позициялардан сўзга чиқмоқчи бўлганларида, жисмоний куч ишлатиб, андишасизларча тўхтатиб қўйилди. Жумҳурият Олий Кенгаши Вильнюс вакилларининг ва меҳнат жамоаларининг фикрини тинглашдан бош тортди.

Литва раҳбарияти содир бўлган воқеа учун айбни мамлакатнинг олий ҳокимият идораларига, коммунистларга тўнкаб, масъулиятдан қутилиб қолишга ошкора интилмоқда, деган таассурот туғилмоқда.

Ҳақиқий ватанпарварларнинг, барча фуқароларнинг бурчи қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот йўлига ўтишдан, жумҳурият ҳудудида ССЖИ ва Литва ССЖ Конституцияларини тиклашдан, ССЖИ халқ депутатлари съездларининг мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришга оид қарорлари қатъият билан бажарилишига эришишдан иборат.

КПСС Марказий Қўмитасининг Сиёсий бюроси Латвия, Литва, РСФСЖ ва Эстония Олий Кенгашлари раисларининг БМТ Бош котибига қўшма мурожаатномасини мана шу нуқтаи назардан баҳолайди. Бу мурожаатнома ССЖИнинг олий давлат идораларини, иттифоқнинг суверен ҳуқуқларини очиқдан-очиқ менсимасликдан, ички ишларимизга ажнабий давлатларни аралашишга рўй-рост даъват қилишдан бошқа нарса эмас, бу эса мамлакат ичкарисида ҳам, умуман дунёда ҳам таҳликали мушкулотларга олиб бориши мумкин.

КПСС Марказий Қўмитасининг Сиёсий бюроси ҳар қандай муаммоларни фақат сиёсий усуллар билан ҳал этиш учун изчиллик билан ҳаракат қилиб, мамлакат халқларига шундай мурожаат этади: Литва ССЖда рўй бераётган воқеаларга вазминлик билан баҳо берингиз, сабр-матонатли бўлингиз, конституциявий қонунийлик ва тартибни тиклаш, тангликни бартараф этиш, инсон ҳуқуқларини ҳар қандай шиорлар остида бузиш ҳолларининг пайини қирқиш йўлидаги куч-ғайратларни қўллаб-қувватлангиз. Мамлакатнинг, унда яшовчи ҳар бир инсоннинг тақдири тинчликка ва миллий тотувликка боғлиқ.

КПСС МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИнинг СИЁСИЙ БЮРОСИ

ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВ 17 ЯНВАРЬ КУНИ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ БАЁНОТ БЕРДИ:

Ўртоқлар!

Бугун кечаси Форс кўрфази минтақасида уруш бошланди. Америка қуролли кучлари Буюк Британия, Саудия Арабистони ва бошқа давлатлар қўшинларининг қисмлари билан биргаликда Ироқнинг ҳарбий ва баъзи саноат иншоотларига, Ироқ қуролли кучларининг истеҳкомларига зарбалар урди.

Ироқ раҳбарияти жаҳон ҳамжамиятининг талабларини бажаришдан ва ўз қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетишдан бош тортганлиги оқибатида воқеа мана шундай фожиали тус олди.

Ироқнинг тажовузи бошланган пайтданоқ Совет Иттифоқи қалтис халқаро можарони тинч йўл билан ҳал этиш учун унга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилди. Энг сўнгги дақиқаларгача биз урушнинг олдини олиш, Қувайт мустақиллигини сиёсий воситалар билан тиклаш мақсадида зўр бериб куч-ғайрат сарфладик.

Уруш ҳаракатлари бошланишидан тахминан бир соат аввал мен Америка Қўшма Штатларининг Давлат котиби Бейкердан қабул этилган қарор ҳақида хабар эшитишим биланоқ дарҳол АҚШ президенти Бушга мурожаат қилиб, Саддам Ҳусайн билан бевосита алоқа ўрнатиб, унинг Қувайтдан қўшинларни олиб чиқиб кетишини дарҳол эълон қилишига эришиш учун қўшимча тадбирлар кўришни таклиф этдим.

Айни вақтда мен Бағдоддаги элчимизга Ироқ президенти билан алоқа боғлаб, менинг Жорж Бушга қилган мурожаатимни хабар қилиш ҳақида кўрсатма бердим, Ироқ халқининг ўз манфаатларини, минтақадаги тинчлик манфаатлари йўлида Қувайтдан кетишини айтиши зарурлигини таъкидладим. Шундай қилиб урушни тўхтатишга ва Ироқни оғир талофотлар ва вайронгарчиликлардан сақлаб қолишга имкон берган бўлур эди. Саддам Ҳусайн ўз халқининг ва жаҳон ҳамжамиятининг олий манфаатларига амал қилиб, ана шу бирдан-бир нажотбахш қадамни қўяди, деган умидни билдирдим.

Шу туннинг ўзида биз бир қанча нуфузли мамлакатларнинг, шу жумладан Франция, Хитой, Буюк Британия, Германия, Италия, Ҳиндистоннинг раҳбарларига, кўпчилик Араб давлатларининг бошлиқларига мурожаат этиб, можаронинг хатарли равишда кучайиб кетишига йўл қўймаслик учун уни тўхтатиш мақсадида биргаликда ва баббаравар чора-тадбирлар кўришга чақирдик.

Кўп сонли қўшинлар ва замонавий ҳарбий техника иштирокидаги уруш Араб халқлари учун, Америка халқи учун, бутун халқаро вазият учун нақадар оғир оқибатларга олиб боришини англаб, биз ҳарбий тўқнашувга йўл қўймасликка муваффақ бўлинмагани хусусида чуқур таассуф билдирамиз. Аммо такрор айтаманки, биз можаронни ноҳарбий воситалар билан бартараф этиш учун ақл бовар қилган ҳамма чораларни кўрдик.

Шуни маълум қилмоқчиман: ҳозир Ироқда турган совет кишиларидан ҳеч ким жабрланмаган.

Мамлакат раҳбарияти бошқа мамлакатлар билан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, урушни тезроқ тўхтатиш ва тинчликни тиклаш учун ҳамма чора-тадбирларни кўришига Совет халқининг ишончи комил бўлаверсин.

ССЖИ Олий Кенгашининг қарори

ССЖ ИТТИФОҚИ ҚАРАМОҒИДАГИ СОҲАЛАР БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ 1991 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ВА 1991 ЙИЛГИ ДАВЛАТ РЕЖАСИ ҲАҚИДА ССЖИ ҲУКУМАТИНИНГ УМУМИТТИФОҚ ТАХМИНИЙ МУЛОҲАЗАСИ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Олий Кенгаши халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларига, ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съезднинг «Мамлакатнинг аҳволи ҳамда вужудга келган танг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этишга оид биринчи галдаги тадбирлар тўғрисида»ги қарорига, «ССЖ Иттифоқи, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар иқтисодий муносабатларининг асослари тўғрисида»ги ССЖИ қонунига, шунингдек 1991 йилда халқ хўжалиги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи бошқа қонун ҳужжатларига асосланиб, **қарор қилади:**

1. Мамлакат иқтисодиётининг 1991 йилдаги фаолияти тўғрисида корхоналар, тармоқлар ва жумҳуриятларнинг 1991 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид мўлжаллари негизида ишлаб чиқилган ССЖИ ҳукуматининг умумиттифоқ тахминий мулоҳазаси эътиборга олинсин. Корхоналар ва жумҳуриятларнинг молиявий ҳамда моддий имкониятларни ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, аҳолининг турмуш даражасини оширишга ва экологик хавфсизлигини яхшилашга янада жамлаш хусусидаги мўлжаллари маъқуллансин, бу мўлжаллар миллий даромаддан жорий истеъмолга фойдаланиш улушини 87 фоизгача кўпайтириш ва ноишлаб чиқариш соҳасига капитал маблағ сарфлашни 1990 йилга нисбатан 1,2 баравар кўпайтириши таъминлаш имконини беради.

Жумҳуриятларнинг ҳукуматларига ўз иқтисодий ва структуравий сиёсатини ҳамда жумҳуриятлараро алоқаларни шакллантиришда, шунингдек жумҳуриятлар халқ хўжалиги ривожини тахмин қилишда мамлакат иқтисодиётининг 1991 йилдаги фаолияти тўғрисидаги умумиттифоқ тахминий мулоҳазаси лойиҳасидан фойдаланиш тавсия этилсин. ССЖ Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг халқ хўжалиги режаларига мувофиқ зилзиладан зарар кўрган Арманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа минтақаларда тиклаш ишларини амалга ошириш давом эттирилсин.

2. Иттифоқдош жумҳуриятлар ҳукуматларининг иштирокида ва ССЖИ Олий Кенгаши қўмиталарининг, палаталар доимий комиссияларининг таклифларини ҳисобга олиб, ССЖИ ҳукумати ишлаб чиққан ССЖ Иттифоқи қарамоғидаги соҳалар бўйича 1991 йилги давлат режаси тасдиқлансин.

ССЖ Иттифоқи қарамоғидаги соҳалар бўйича 1991 йилги давлат режасида кўзда тутилган ишлар ва давлат учун маҳсулот етказиб бериш ҳажми корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ижро этиши ва уларнинг режаларига киритиш мажбурий деб белгилансин.

ССЖ Иттифоқи қарамоғидаги соҳалар бўйича 1991 йилги давлат режасида белгиланган ишлар ва давлат учун маҳсулот етказиб бериш ҳажмини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш мақсадида ССЖИ ҳукумати ана шу ишларни ва маҳсулот етказиб беришни бажаришни рағбатлантиришга доир тадбирларни рўёбга чиқарсин.

3. 1991 йилда иттифоқ бюджети ва бошқа манбалар ҳисобига 47,6 миллиард сўм миқдорида аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинган тадбирларни марказлаштирилган тартибда амалга ошириш таъминлансин, шу жумладан:

ишлаб турган аёлларга туғишдан олдинги отпуска муддатини 56 кундан 70 кунгача узайтиришга 330 миллион сўм;

бола бир ярим ёшга етгунча уни парвариш қилиш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуска муддатини узайтиришга 230 миллион сўм;

мактабгача тарбия муассасаларида овқатланиш ҳаражатлари нормаларини оширишга 70 миллион сўм;

бола бир ярим ёшга етгунча уни парвариш қилиш учун нафақа миқдорини энг кам иш ҳақи даражасигача оширишга 2500 миллион сўм;

бир йиллик иш стажига эга бўлмаган ишлаб турган аёлларга ва ишламайдиган аёлларга бола бир ярим ёшга етгунча уни парвариш қилиш учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида нафақа тўлашни жорий этишга 400 миллион сўм;

васийликда бўлган болага тўланадиган нафақа миқдорини энг кам иш ҳақи даражасигача оширишга 106 миллион сўм;

бола бир ярим ёшга етгунча уни парвариш қилиш учун (икки ва ундан ортиқ бола туғилганда ҳар бир болага) тўланадиган нафақа ҳажмини энг кам иш ҳақи даражасигача оширишга 50 миллион сўм;

16 ёшгача бўлган ногирон болани тарбияловчи ота-оналардан бирига (васийга) ногирон бола санаторийда даволанадиган бутун давр учун вақтинча меҳнатга яроқсизлик варақаси беришга 42 миллион сўм;

муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларининг фарзандларига тўланадиган нафақа миқдорини энг кам иш ҳақи даражасигача оширишга 30 миллион сўм;

18 ёшга етмаган ишлаб турган аёлларга меҳнат стажи муддатидан қатъи назар, бола бир ярим ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш учун нафақа тўлашга 15 миллион сўм;

етим болаларга ва ота-онасининг қарамоғида бўлмаган ҳамда ўқув-тарбия муассасаларида ана шу муассасаларнинг тури ва уларнинг қайси идораларга қарашлилигидан қатъи назар, ўқиётган ёки тарбияланаётган болаларга амалдаги қонунда болалар уйлари ва интернат мактаблардаги болаларнинг ана шу тоифаси учун белгиланган имтиёзлар беришга 11 миллион сўм;

жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ва махсус ўқув-тарбия муассасаларида ўқиётган болалар ва ўсмирларни моддий жиҳатдан таъминлашни яхшилашга 372 миллион сўм;

болалар уйлари (интернат мактаблар)нинг собиқ тарбиячилари бўлган ёлғиз оналар (бевалар)га болаларни тарбиялаш ва боқиш учун тўланадиган нафақа ҳажмини энг кам иш ҳақи даражасигача оширишга 0,6 миллион сўм;

болалари бўлган, бироқ боқувчисидан маҳрум бўлганлиги муносабати билан уларга пенсия олмаётган эркак беваларга мавжуд қонунга мувофиқ беваларга белгиланган нафақа тўлашни жорий этишга 0,4 миллион сўм;

агар оиланинг ҳар бир аъзосига жами ўртача даромад энг кам иш ҳақининг икки баравар ҳажмидан ошмаса, оила қарамоғидаги бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган ҳар бир оилага энг кам иш ҳақининг 50 фонзи миқдорида ойлик нафақа тўлашга 8214 миллион сўм;

бола туғилганда энг кам иш ҳақининг уч баравар ҳажмида бир марта нафақа тўлашга 687 миллион сўм;

бола 16 ёшга етгунча (стипендия олмайдиган ўқувчи 18 ёшга етгунча) ёлғиз оналарга тўланадиган ойлик нафақа миқдорини энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача оширишга 358 миллион сўм;

ота-оналари алимент тўлашдан бош тортганлиги муносабати билан судларнинг ажримига кўра ички ишлар идоралари томонидан қидирилаётган балоғатга етмаган болаларга ойлик нафақа ҳажмини энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача оширишга 1 миллион сўм;

пенсия тўғрисидаги янги қонунда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга 19 700 миллион сўм;

Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларига белгиланган қўшимча имтиёзларни беришга 270 миллион сўм;

соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармон ва бошқа эҳтиёжларга ҳаражатлар нормасини оширишга 2 050 миллион сўм;

Чернобиль АЭСидаги авария натижасида радиоактив булғанишга дучор бўлган ҳудудда яшовчи аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтириш ва моддий аҳволини яхшилаш, шунингдек, Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган кишиларга тиббий хизматни ва ижтимоий таъминотни яхшилашга оид қўшимча тадбирларни амалга оширишга 2 621 миллион сўм;

ишчи ва хизматчиларнинг бир қанча тоифаларига вақтинча меҳнатга яроқсизлик нафақалари ҳажмини оширишга 90 миллион сўм;

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган олий ўқув юртларининг талабалари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини стипендия билан таъминлашни жорий этишга ва ана шу ўқув юртлари стипендиялари ҳажмини оширишга 1 600 миллион сўм;

халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқлари ишчи ва хизматчилари иш ҳақига ноҳия коэффициентлари қўлланилаётган жойларда ўқиётган олий ўқув юртларининг аспирантлари, талабалари ҳамда ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари стипендияларига ноҳия коэффициентларини (ҳозирги вақтда улар учун ана шундай коэффициентлар белгиланмаган) жорий этишга 177 миллион сўм;

солиқ солинмайдиган энг кам иш ҳақи 100 сўмгача оширилиши ва ойига 150 сўмгача бўлган иш ҳақига солинадиган солиқ ставкаси камайтирилиши муносабати билан фуқаролардан олинадиган даромад солиғини бекор қилиш ва камайтириш ҳисобига аҳоли даромадларини кўпайтиришга 2200 миллион сўм;

бўйдоқ, ёлғиз ва оила аъзолари кам фуқароларга солинадиган солиқни босқичма-босқич бекор қилиш ҳисобига аҳоли даромадларини кўпайтиришга 380 миллион сўм;

Иркутск вилояти, Красноярск ўлкаси, Узоқ Шарқ, Бурятия МССЖ ва Чита вилоятининг жанубий ноҳияларида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги) узлуксиз иш стажи учун ишчилар ва хизматчиларнинг (улар учун ҳозирги вақтда бундай қўшимча ҳақ белгиланмаган) иш ҳақига қўшимча ҳақ тўлашни жорий этишга 740 миллион сўм;

Вологда вилоятининг шимолий ва шарқий ноҳияларига жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишловчи ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақига ноҳия коэффициентларини (ҳозирги вақтда улар учун ундай коэффициент белгиланмаган) жорий этишга 110 миллион сўм;

ССЖИ Кўмир саноати вазирлиги ишлаб чиқариш тармоқларининг Қарағанда вилоятида жойлашган корхоналари ва ташкилотлари ҳамда ана шу вазирликнинг кон-қутқарув қисмлари ходимларининг иш ҳақига ноҳия коэффициентини оширишга 10 миллион сўм;

(Давоми 2-бетда).

ҚЎШМА ШТАТЛАР ИРОҚҚА ҚАРШИ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР БОШЛАДИ

ВАШИНГТОН, 17 январь, (ТАСС). АҚШ пайшанба куни Бағдод вақти билан соат роса 03.00 да, 16 декабрь Вашингтон вақти билан соат 19.00 да Ироққа қарши жанговар ҳаракатларни бошлади.

Президентнинг матбуот котиби Марлин Фицуотер матбуот учун қисқача баёнотда бундай деди: «Қувайтни озод қилиш бошланди. Қўшма Штатлар иттифоқдош шерикларнинг кучлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг мандати бажарилишига эришиш мақсадида шартли равишда «Саҳродаги бўрон» операцияси деб номланган жанговар ҳаракатларни бошлад юборди. «Саҳродаги бўрон» операциясида қатнашаётган кучлар 19.00 дан бошлаб Ироқдаги ва Қувайтдаги нишонларга зарба урмоқда». Ахборот агентликларининг хабарларига қараганда Американинг Ф-15Е қирувчи-бомбардимончи самолётлари Қувайтдаги ва Ироқдаги нишонларга ёпирилиб бомба ва ракеталар билан зарба бермоқда. АП агентлигининг таъкидлашича, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Вашингтон вақти билан соат 16.50 да осмонга кўтарилган.

ИРОҚ ПРЕЗИДЕНТИ РАДИО ОРҚАЛИ ГАПИРДИ

ҚОҲИРА, 17 январь. **(ТАСС мухбири Олег Зуенко).** Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн Форс кўрфазида уруш ҳаракатлари бошланганлиги муносабати билан радио орқали баёнот берди. Исроил радиосининг хабар қилишича, у Ироқ халқига «тақдирий газовот» бошланганлигини уқтирди.

Фаластинни, Жўлон тепаликларини ва Ливанни озод қилиш Ироқ қуролли кучларининг муқаддас бурчидир, деб таъкидлади президент. Ироққа ҳужум қилиб, жиноятга қўл урган Америка Президенти Бушга Ироқ армияси «унитилмас сабоқ» беради. Саддам Ҳусайн ўз нутқини «Оллоҳу Акбар», «Ғалаба яқин» деган хитоблар билан тугаллади.

Исроил радиосининг таъкидлашича, Ироқ Президентининг нутқи, афтидан армияда фойдаланиладиган частота орқали эшиттирилди.

ИРОҚ ҒАФЛАТДА ҚОЛДИ

ҚОҲИРА, 17 январь. (ТАСС). Ироққа қарши иттифоқ тузган кучлар жанговар ҳаракатлар бошлаган пайтдан буён ўтган 90 минут ичида Ироқ ҳеч қандай реал қаршилик қила олмади, деб хабар берди МЕНА агентлиги Саудия Арабистонидаги «масъул манба»га таяниб Ар-Риёддан. Шу манба гўёки Ироқ Ар-Риёдга ракета-лар отгани тўғрисидаги мишмишларни рад этди. МЕНА агентлигининг Америка манбаларидан олинган хабарига қараганда, иттифоқчилар самолётлари Ироқдаги ва Қувайтдаги объектларга ёпирилиб, ҳужум қилиши олдидан АҚШнинг Форс кўрфазида турган ҳарбий кемалари шу нишонларга ракеталар отган.

ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИ «ИНСОНИЯТНИНГ ОМОН ҚОЛИШИ ВА РАВНАҚИ УЧУН» ХАЛҚАРО ФОНДИ РАҲБАРИЯТИ БИЛАН УЧРАШДИ

15 январь куни М. С. Горбачев Кремлда «Инсониятнинг омон қолиши ва равнақи учун» халқаро фонди директорларининг кенгаши билан учрашди. Кенгаш таркибида Е. П. Великов (ССЖИ), М. Гуттьерес (Италия), Х.-П. Дюрр (Германия), Р. Макнамара (АҚШ), Мак Таггарт (Буюк Британия), Д. Матушевский (АҚШ), С. Эйзенхауэр (АҚШ), Митрополит Питирим (ССЖИ), Ч. Мэтайес (АҚШ), Х. Рихтер (Германия), Б. Сендов (Болгария), Ж. Скалли (АҚШ), Ф. фон Хиппель (АҚШ), П. Недков (Болгария), А. Эйзенштадт (АҚШ), Т. Хесбург (АҚШ), Б. Миллер (АҚШ), А. Н. Яковлев, А. И. Вольский, Р. И. Хаиров (ССЖИ)-лар бор эди.

М. С. Горбачев ўз нутқида бундай деди:

Бизнинг учрашувимиз рамзий кунда ўтмоқда. 1986 йил 15 январь куни Совет Иттифоқининг аср охиригача ер курраси ядро қуролидан халос бўлиши учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилиш муддаоси эълон қилинган эди.

1991 йил 15 январь — «совуқ уруш»дан кейинги биринчи халқаро тангликда жаҳон аҳли ташвишга тушиб ва ақл-идрок кучларига умид билан қараб турган кундир. «Совуқ уруш» тугаганлиги 5 йил муқаддам дунёга таклиф этилган ғояни амалга ошириш йўлидаги энг катта қадам бўлди.

Кулфатларга, тангликларга, жуда катта қийинчиликлар ва муаммоларга қарамай, ҳозир атрофимиздаги дунё тарихий тараққиёт мантиқига, янгиланиб бораётган ижтимоий кучларнинг имкониятларини ҳисобга олишга асосланган режаларнинг рўёбга чиқиши мумкинлигига умид билан баҳо бериш учун асос яратади.

«Инсониятнинг омон қолиши ва равнақи учун» халқаро фонди шу режаларни амалга оширишда янги ва фаҳрли ўринни эгаллаб турибди.

Директорлар кенгашининг раиси Е. П. Велихов фоннинг кейинги даврдаги фаолияти асосий йўналишлари ҳақида қисқача гапириб берди, ядро қуроли синовларини батамом тақиқлаш, бу қуролни тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш — фоннинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади.

ССЖИ Президенти янги ташқи ишлар вазирини тасдиқлаш вақтида ССЖИ Олий Кенгаши аниқ-равшан таъкидлаб ўтган ташқи сиёсат йўли ўзгармаслигини уқтириб ўтди. Шу муносабат билан М. С. Горбачев Сьюзан Эйзенхауэрнинг саволига жавоб қайтариб, халқаро майдондаги соғлом тамойилларни мустаҳкамлаш учун Совет-Америка муносабатларининг алоҳида аҳамиятини, ўзининг Президент Буш билан, Америка маъмурияти билан ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашга содиқлигини таъкидлади.

ССЖИ Президенти суҳбатни якунлаб, ички ва ташқи сиёсатда ўзи танлаб олган йўлдан қатъият ва изчиллик билан олга боравермоқчи эканини айтди.

У муҳим ва олижаноб фаолиятида фонд раҳбариятига муваффақият тилади.

Рўй-ростлик ва хайрихоҳлик руҳида ўтган учрашувда А. А. Бессмертних, В. И. Болдин, В. Ф. Петровский қатнашдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

1991 ЙИЛГИ ИТТИФОҚ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасида ваколатларни белгилаб қўйиш мамлакат бутун халқ хўжалигининг бюджети сифатида СССР Давлат бюджетини шакллантиришдан воз кечишни тақозо этди. 1991 йилги Иттифоқ бюджети федератив давлатнинг бюджети сифатида шакллантирилган ва иқтисодиётни барқарорлаштиришга, унда бозор муносабатларини жорий этишга, шунингдек, мамлакатнинг етарли мудофаа қобилияти доктринаси талабларининг энг кам зарур даражадаги вазифаларини рўёбга чиқаришга қаратилган.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Белгилаб қўйилсинки, 1991 йилги Иттифоқ бюджетининг даромадлари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, маҳаллий хўжалик таркибига кирувчилардан ташқари, оладиган фойдага солинадиган солиқлардан, хорижий юридик шахсларнинг СССРдаги фаолиятидан оладиган даромадига солинадиган солиқлардан, даромадларга солинадиган солиқлардан ажратмалар;

божхона божлари, экспорт ва импортга юз фоиз миқдоридаги солиқ;

нефть ва газ саноати корхоналарининг рента тўловлари;

1982 йилда чиқарилган давлат ички ютуғ зайёми облигацияларини сотишдан 50 фоиз миқдорида ажратмалар;

маҳсулот, мол сотиш ва хизмат ҳажмидан 5 фоиз миқдорида сотувдан олинадиган солиқ, солиқ тушумларини камида 30 фоизи Иттифоқ бюджетига ўтказилади;

Иттифоқ бошқарувида турган корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар фаолиятидан солиқдан ташқари бошқа тушумлар;

Умумдавлат дастурларини пул билан таъминлашга республикалар бюджетларидан ўтказиладиган маблағлар.

Республикалар ўз ваколатларига мувофиқ Иттифоқ бюджетига солиқ тушумларини камайтирадиган қонунлар қабул қилган тақдирда, республикалар уларни мутлақ миқдорда бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун қабул қилинган тартибда қоплайдилар.

2-модда. Иттифоқ бюджети маблағлари 1991 йилда Иттифоқ идоралари бошқарувида бўлган халқ хўжалиги тармоқлари ишлашини ва ривожлантирилишини таъминлашга, ғоят муҳим тадқиқотлар ва илмий техник ишланмаларни, умумиттифоқ аҳамиятига молик ижтимоий-маданий ва экологик дастурларни, мамлакат мудофаасини пул билан таъминлашга, зарур моliяваларни вужудга келтиришга ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатларга сарфланиши белгилаб қўйилсин.

II БОБ. ИТТИФОҚ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ

3-модда. 1991 йилги Иттифоқ бюджети даромадлар бўйича 250.157.450 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

4-модда. Иттифоқ бюджетида қуйидаги даромад манбалари бўйича тушумлар ҳисобга олинсин:

	(минг сўм)
Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар фойдасидан олинадиган солиқ	40.460.000
Сотувдан олинадиган солиқ	36.000.000
Ташқи иқтисодий фаолиятдан келадиган даромадлар	86.334.950
Рента тўловлари	16.500.000
1982 йилги давлат ички ютуқ заёми облигацияларини сотишдан ажратмалар	1.074.500
Йиғимлар ва солиқдан ташқари турли даромадлар	16.436.000
Товар-материал бойликларини қайта баҳолашдан тушадиган даромадлар	9.000.000
Геология-разведка ва геология-қидирув ишларига ажратмалар	2.700.000
Республикаларнинг бюджетларидан умумдавлат дастурларини пул билан таъминлаш учун бериладиган маблағлар	41.652.000

5-модда. 1991 йилги Иттифоқ бюджети камомадининг энг юқори даражаси 26.663.149 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

6-модда. 1991 йилги бюджетнинг камомадини қоплаш мақсадида СССР ҳукумати ва республикаларнинг ҳукуматлари давлат ички заёмларини ва бошқа қимматли қоғозларни келишилган миқдорларда чиқариш ва сотиш тартиби ҳақида қарорлар қабул қилсинлар.

Мазкур заёмлар ва қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағ Иттифоқ бюджетига ва республикаларнинг бюджетларига тенг улушларда берилсин.

7-модда. Транспорт воситаларининг ҳамда ўзи юрадиган бошқа машина ва механизмларнинг эгаларидан олинадиган солиқ 1991 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий бюджетларнинг даромадига қўшилади, деб белгилаб қўйилсин.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти корхоналари пассажирларни ташийдиган транспорт воситалари бўйича тўланадиган солиқдан озод қилинсин.

Шу муносабат билан СССР Олий Кенгаши Раёсатининг «Транспорт воситаларининг ҳамда ўзи юрадиган бошқа машина ва механизмларнинг эгаларига солиқ солиш тўғрисида»ги 1988 йил 21 март Фармонига (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1988 йил, 12-сон, 186-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин.

3-моддадаги «Иттифоқ бюджетининг даромади» сўзлари «маҳаллий бюджетларнинг даромади» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-модданинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти корхоналари пассажир ташийдиган транспорт воситалари бўйича».

8-модда. «Корхоналар ,бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги СССР Қонунининг IV боби (26-модда бундан истисно), шунингдек СССР Олий Кенгашининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг 5-банди амал қилиши 1991 йилда тўхтатиб турилсин.

СССР ҳукуматига хўжалик юритишнинг объектив шароитлари ўзгарган тақдирда: ҳарбий ишлаб чиқариш тинч соҳага кўчирилганида, кон-геология ва табиий-иқлим шароитлари, энергия таъминоти ва қувур орқали маҳсулот етказиб бериш жадваллари ўзгарганида, янги корхоналар, объектлар ишга туширилганида ва ўзлаштирилганида, қурилиш ташкилотлари ва корхоналари саноат қурилиши объектларидан ижтимоий соҳа ва деҳқончилик-саноат комплекси объектларига ўтказилганида халқ хўжалиги ва саноатнинг айрим тармоқлари учун, шунингдек ногиронларнинг ва меҳнат қобилияти чекланган кишиларнинг меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар учун; халқнинг турмуш даражасини оширишга оид марказлаштирилган тадбирлар ҳамда ишлаб чиқаришда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган кишиларга ёрдам бериш билан боғлиқ бўлган тадбирлар амалга оширилганда; меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳақни тўлаганда истеъмол учун сарфланадиган маблағларнинг миқдорини белгилашнинг мазкур тартибига аниқлик киритиш ҳуқуқи берилсин.

Истеъмолга ажратиладиган маблағ ҳажмини маҳсулот ҳажми билан мувофиқлаштириш мақсадида белгилаб қўйилсинки, 1991 йилда барча корхона ва ташкилотлардаги мулкчилик шаклларидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси учун бу маблағлар товар маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг ўтган йилга нисбатан таққослама нархларда кўпайиши (камайиши) меъёрига қараб, бирга бир нисбатида аниқланади.

СССР ҳукуматига айрим тармоқлар учун истеъмолга ажратиладиган маблағ миқдорини белгилаш кўрсаткичлари ва тартибига аниқлик киритиш ҳуқуқи берилсин.

Банкларнинг муассасалари 1991 йилда истеъмолга ажратилган маблағларни бериш вақтида корхона ва ташкилотлар томонидан ушбу Қонуннинг мазкур моддасида белгиланган тартибга риоя этилиши устидан назорат қилсинлар.

III БОБ. ИТТИФОҚ БЮДЖЕТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ

9-модда. 1991 йилги Иттифоқ бюджети харажатлар бўйича 276 820 599 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

10-модда. Халқ хўжалигини пул билан таъминлаш харажатлари 45.742.001 минг сўм миқдорида тасдиқлансин, шундан:

а) умумиттифоқ истеъмолчиларига сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва озиқ-овқат молларининг айрим турлари, шунингдек хом ашё молларининг баъзи турлари нархларидаги фарқни қоплашга 34.195.427 минг сўм.

б) геология-разведка ва геология-қидирув ишларига 2.700.000 минг сўм.

в) халқ хўжалигининг бошқа харажатларига 8.846.574 минг сўм ажратилсин.

11-модда. Ижтимоий-маданий тадбирларни пул билан таъминлашга ажратиладиган маблағлар 19.645.057 минг сўм миқдорида тасдиқлансин, шундан:

а) халқ таълими ва кадрларни касб-корга тайёрлашга 5.431.759 минг сўм;

б) соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбияга 3.204.427 минг сўм.

в) маданият ва санъатга 459.196 минг сўм;

г) оммавий ахборот воситаларига 1.656.875 минг сўм;

д) оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга, шунингдек фуқароларнинг айрим тоифаларига пенсиялар тўлашга ва бошқа тадбирларга 8.892.800 минг сўм ажратилсин.

12-модда. Энг муҳим илмий тадқиқотлар ва давлат илмий-техник дастурларини пул билан таъминлашга 14.472,762 минг сўм маблағ ажратилиши тасдиқлансин.

13-модда. Хорижий давлатларга қарз бериш, олинган хорижий қарзларни тўлаш ва ташқи бозордаги бошқа қарзларни тўлашга оид харажатларни пул билан таъминлашга ажратиладиган маблағ 26.329.673 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

14-модда. Хорижий давлатларга беғараз ёрдам беришга ажратиладиган маблағлар 400.000 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

15-модда. Армия ва флот шахсий составини таъминлашга, қурол-яроғ ва ҳарбий техника харид қилишга, ҳарбий мавзудаги илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига, ҳарбий қурилишга, пенсиялар тўлашга, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан таъминлашни яхшилаш дастурини амалга оширишга ва мудофаа учун бошқа харажатларга ажратиладиган маблағлар 96.562.846 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

16-модда. Аҳоли фаровонлиги даражасини оширишга оид марказлаштирилган тадбирларни ўтказишга ажратиладиган маблағ 972.000 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

17-модда. СССР Олий Кенгашини таъминлашга ажратиладиган маблағ 194.901 минг сўм миқдорида белгилансин.

18-модда. СССР Конституциявий назорат қўмитасини таъминлашга ажратиладиган маблағ 3.672 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

19-модда. СССР назорат палатасини таъминлашга ажратиладиган маблағ 5.431 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

20-модда. СССР Олий ҳакамлик судини таъминлашга ажратиладиган маблағ 1.760 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

21-модда. СССР Олий судини таъминлашга ажратиладиган маблағ 2.563 минг сўм миқдорида ва махсус судларни таъминлашга ажратиладиган маблағ 5.602 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

22-модда. СССР Прокуратураси идораларини таъминлашга ажратиладиган маблағ 475.529 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

23-модда. СССР Ички ишлар вазирлигини таъминлашга ажратиладиган маблағ 5.602.500 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

24-модда. СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасини таъминлашга ажратиладиган маблағ 4.948.649 минг сўм миқдорида тасдиқлансин, ундан 2.200.000 минг сўми чегара қўшинларини таъминлашга сарфласин.

25-модда. Давлат ҳокимияти Иттифоқ ижроия-бошқарув идораларини ва давлат бошқаруви идораларини (ушбу Қонуннинг 17, 18, 19, 20-моддаларида кўрсатилгандан ташқари) таъминлаш учун ажратиладиган маблағ 1.696.250 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

СССР Президенти ана шу маблағ давлат ва хўжалик қурилиши бошқарувидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиб, номма-ном тақсимлашни СССР Олий Кенгаши тасдиқлаши учун тақдим этсин.

26-модда. Давлат ички қарзи хизматига оид харажатларни маблағ билан таъминлаш 11.806.000 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

1989 ва 1988 йиллардаги СССР Давлат бюджети харажатлари учун вақтинча олинган умумдавлат ссуда фонди эркин қарз ресурсларини тўлаш муддатини (бу муддат 1991 йилда бошланади) 1996 йилнинг 1 январигача кечиктириш тўғрисидаги СССР ҳукуматининг таклифи қабул қилинсин.

27-модда. Тармоқ дастурларини таъминлашга ажратиладиган маблағ қуйидагича:

Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатишга ажратиладиган маблағ 10.314.000 минг сўм миқдорида;

Орол бўйидаги экология вазиятини тиклаш ва у ердаги аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга ажратиладиган маблағ 900.000 минг сўм, ундан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига 135.000 минг сўм миқдорида;

Қрим татарларининг Қрим вилоятига қайтиши билан боғлиқ биринчи галдаги тадбирларни амалга оширишга ажратиладиган маблағ 200.000 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

28-модда. Иттифоқ бюджетида СССР Президентининг резерв фонди 3.000.000 минг сўм, ундан фавқулодда вазиятларни маблағ билан таъминлаш учун 2.000.000 минг сўм миқдорида бўлиши кўзда тутилсин.

29-модда. Иттифоқ идоралари ихтиёридаги бошқа тадбирларга ажратиладиган маблағ 25.774.403 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

30-модда. Сотувдан олинадиган солиқ жорий этилиши муносабати билан ижтимоий истеъмолчиларга тўланадиган товон пули қимматлашганлиги учун ажратиладиган маблағ 7.900.000 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

IV БОБ. МАХСУС ҚОИДАЛАР

31-модда. 1992 йил 1 январигача давлат ички қарзининг энг юқори ҳажми 567.563.149 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

32-модда. 1992 йилнинг 1 январигача ССР Иттифоқи ташқи қарзининг энг юқори ҳажми эркин алмаштириладиган валютада 39.000.000 минг сўм миқдорида (СССР Давлат банки расмий курсига кўра) тасдиқлансин.

33-модда. СССР Молия вазирлигига 1991 йил 1 январгача товар моддий бойликларнинг амалдаги қолдиқларига асосланиб улгуржи ва харид нархлари ислоҳ қилиниши муносабати билан товар-моддий бойликлар қолдиқларини қайта баҳолашдан бюджетга тушадиган маблағ миқдорини аниқлаш топширилсин.

34-модда. СССР давлат банки, республикаларнинг марказий банклари ва тижорат банклари ушбу Қонунга мувофиқ Иттифоқ бюджетига даромадлар ўз вақтида ва тўғри ўтказилиши учун жавобгар эканликлари белгилансин. Бюджет турларига кўра, Иттифоқ қонунида белгиланган тарзда даромадларни тақсимлаш бажарилмаган ёки мунтазам бузилган тақдирда банк муассасалари, хизматлари ва бўлинмалари раҳбарлари икки ойлик иш ҳақи миқдорида етказилган зарарни тўлаб лавозимидан четлатилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 11 январь.

ТАШВИШЛИ САТРЛАР

«ЭСКИРГАН» ЯНГИЛИКЛАР КИМГА КЕРАК?

Янги йил бошланганидан буён минглаб тошкентликлар ғалати ҳодисага дуч келдилар: улар эрталаб, нонушта пайтида ўзлари обуна бўлган газета ва журналларни олиб, энг сўнгги янгиликлар билан танишишга кўникиб қолган эдилар, энди эса жуда деганда кечки овқат вақтида газеталарни қўлга олишмоқда. Кўпгина одамлар эрталаб ишга жўнаб кетишаётганда одатга кўра почта қутисига назар ташлайдилар, лекин қутилар бўш. Кечқурун эса бир кун олдин чиққан газеталар етказиб берилаяпти, ҳатто бу газеталар ҳам етиб келмаяпти. Якшанба кунлари биз почта қутиларига қарамайдиган бўлиб қолдик, бунинг устига байрам кунларида янги йил тантаналари, мамлакатимиздаги, ўлкамиздаги воқеалар ҳақида газета хабарларини ўқий олмадик. Қисқа қилиб айтганда, газеталарнинг нашриётдан обуначига етиб бориши ҳаддан ташқари чўзилиб кетди.

— Шу системада ўн етти йилдан буён ишлайман, ҳозиргидек бетартибликни эслай олмайман, — дейди куюниб Тошкентдаги 31-почта бўлими бригадири Надежда Дмитриевна Безчетная. — Бунақа тўполон ҳеч қачон бўлмаган. Газета ва журналларни тақсимлаш участкасидан почтани вақтида олмаяпмиз. Бунинг устига, йиртиқ газеталар юборилмоқда, нима учун шундай бўлаётганлигини кимдан сўрашни ҳам билмайсан киши. Газета ва журналларнинг тиражи камайди. Бинобарин, почтальонларнинг ҳалтасидаги юк ҳам камайиб, ишимиз енгиллашади, обуначилар ҳам мамнун бўлишади, деб ўйлаган эдик. Қаёқда дейсиз? Илгари эрталаб соат 6 да ишга чиқардик, соат 8 даёқ янги газеталарни тарқатиб бўлардик. Энди эса иш тартиби ўзгарди. Иш кунимиз соат 9 дан кечки соат 5 гача, эрталабки почта, эса бўлимимизга соат 11—12 да келтирилади. Шу ҳам иш бўлдими? Обуначи газетани қачон олади?

Хуллас, янги иш тартиби бизга тўғри келмайди: биз ҳам асабийлашяпмиз, обуначилар ҳам жабрланишяпти.

115-почта бўлимининг бошлиғи Н. Н. Стогова ҳам шу фикрга қўшилмоқда.

— Бизнинг участкамизда 14 почтачи ишлайди, улар 10 мингдан ортиқ хонадонга хизмат қилишади, дейди Нина Николаевна. Лекин почтачи фақат газета-журнал эмас, хат-хабарларни, почта жўнатмаларини, пенсияларни ҳам тарқатади. 420 минутдан иборат иш куни минутларигача тақсимлаб қўйилган: почтани саралаш, жойлаш, манзилгоҳларини ёзиш ва етказиб бериш керак. Ҳаммасига улгуриш учун нормадаги 8 килограмм ўрнига бир пуд юкни елкасига ортиб юришга тўғри келади.

Шу масала юзасидан биз суҳбатлашган кўпгина почта ходимларининг фикри бир хил — почта алоқалари шаклларини такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон ССЖ алоқа вазирлигида эса бунинг аксини эшитишга тўғри келди: янги иш тартиби айни почтачиларнинг талаби эмиш. Газеталарнинг хонадонларга етиб бориши кечикаётган бўлса, бизни кечирасизу, бошқа чораси йўқ. Айниқса «Оқшом»ни ўша куннинг ўзида етказиб беришнинг иложи йўқ. Графикка мувофиқ бу газета кўпгина оқшом газеталари каби соат 15 да чиқади. Алоқа вазирлиги нашриётдан газетани чиқаришни бир соатга тезлаштиришни илтимос қилаяпти, аммо газета ўз вақтида етказиб берилишига кафолат бермаяпти. Алоқа вазирлиги почта алоқалари ва матбуот тарқатиш бошқармасининг бошлиғи Юсуф Рустемович Мухчи чакана савдо тармоқларини кенгайтиришни вазиятдан қутилишнинг йўли деб атади.

— Янги йилдан бошлаб газеталарни барвақт етказиб бериш бекор қилинди, деди у. — Бунинг бир қанча сабаблари бор. Жумҳуриятимизда 12 минг почтачи ишлайди. Улар асосан аёллар. Улар эрта саҳардан иш бошлашади, бу вақтда болалар боғчалари ишламайди, болаларни кимга қолдириб кетишни билишмайди. Якшанба кунлари ҳам худди шу муаммо. Бу соҳадаги вазият жуда хатарли эди, ниманидир ўзгартириш лозим эди.

Нима учун бу ўзгартишлар обуначиларнинг манфаатига салбий таъсир қилди? Газета ва журналлар нархининг кескин ошганлиги фақат қоғоз ва матбаа хизматининг қимматлашгани билан эмас, почтачилар меҳнат шароитини яхшилаш зарурлиги билан ҳам изоҳланган эди. Обуначилардан пул олинди, демак, улар газета ва журналларни ўз вақтида олишга ҳақлидирлар. Қаёқда дейсиз, Ўша Ю. Мухчи йил бошидан буён жумҳурият, вилоят, шаҳар газеталари вақтида чиқаётганлигини таъкидлади. Демак, ҳамма ишкаллик газетани етказиб бериш вақтида бўлаяпти. Ҳаммаси бориб почтачиларнинг ноқулай иш тартибига тақалмоқда. Почтачиларнинг меҳнати оғир, шунга қарамай, улар 110 сўмдан 140 сўмгача маош олишади. Биз шу тоифадаги ходимларнинг ижтимоий шароити яхшиланишига қизғин тарафдормиз. Почтачилар обрўсини ошириш керак. Янги йилдан иш ҳақини ошириш ваъда қилинган эди, ваъдалар ҳали амалга ошгани йўқ. Почта ходимлари қийин шароитда ишлаётганликларини тан олишдан бошқа чорамиз йўқ, ҳатто вазирликдаги масъул ходимларнинг гапларига қараганда, «400 та алоқа бўлими биносига киришнинг ўзи қўрқинчли». Газета ва журналлар билан тўла оғир халтани кўтариб юрувчи кишиларни оммавий ахборот воситаларига ёзилиб, уларни ўз пуллари билан қўллаб-қувватлаган обуначиларга қарама-қарши қўйиш ўрнига почтачилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Обуначи эса нима учун бизнинг ҳуқуқларимиз бузилаяпти, нима учун «эскирган янгиликлар» келтирилаяпти, деган саволларига аниқ жавоб олишга ҳақлидирлар.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ССЖ ИТТИФОҚИ ҚАРАМОҒИДАГИ СОҲАЛАР БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ 1991 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ВА 1991 ЙИЛГИ ДАВЛАТ РЕЖАСИ ҲАҚИДА ССЖИ ҲУКУМАТИНИНГ УМУМИТТИФОҚ ТАХМИНИЙ МУЛОҲАЗАСИ ТЎҒРИСИДА

Давоми.
(Боши 1-бетда).

маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва халқ таълими ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янгича шартларини жорий этишга 2530 миллион сўм;

ноишлаб чиқариш соҳасининг шу вақтгача янги тариф ставкалари, окладлари ва бошқа шартлари жорий этилмаган тармоқлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тариф ставкалари, окладлари ва бошқа шартларини белгилашга 1650 миллион сўм;

ҳакамлик судлари ва ички ишлар идоралари ходимларининг иш ҳақини оширишга 61 миллион сўм ажратилсин.

4. 1991 йилги давлат режасида белгиланган маҳсулот етказиб бериш ҳажмлари ҳамда 1991 йилда умумиттифоқ фондига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёси етказиб бериш масалалари юзасидан ССЖ Иттифоқи билан иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасидаги иқтисодий битимдан келиб чиқадиган ҳажмлар сўзсиз бажарилишига иттифоқдош жумҳуриятлар ҳукуматларининг алоҳида эътибори қаратилсин.

ССЖИ ҳукумати юқорида айтиб ўтилган маҳсулот етказиб беришни таъминлаш мақсадида иқтисодий тусдаги тегишли тадбирларни ишлаб чиқсин ва зарурат бўлганда қўллансин.

Саноат деҳқончилик саноати комплекси тармоқлари учун маҳсулот етказиб беришни қандай бажараётганлиги устидан назорат ўрнатилсин.

5. Иттифоқ — жумҳурият валюта қўмитасига, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталарига, меҳнат жамоаларига валюта маблағларидан фойдаланиш йўналишларини шакллантириш чоғида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмларини кўпайтириш учун биринчи галда улардан илғор технологиялар, хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ускуналар сотиб олиш учун фойдаланишни кўзда тутиш тавсия этилсин.

ССЖИ Олий Кенгаши қўмиталари ва палаталар доимий комиссияларининг валюта маблағларидан фойдаланиш масалаларига доир таклифлари кўриб чиқиш учун иттифоқ — жумҳурият валюта қўмитасига топширилсин.

6. Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталарига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажмларини кўпайтириш учун қўшимча моддий заҳираларни, рағбатлантириш манбаларини қидириб топиш ва меҳнат жамоаларининг манфаатдорлигини ошириш тавсия этилсин.

7. ССЖИ ҳукуматига, жумҳуриятларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарига вазирликлар ва идораларни жалб этиш йўли билан экология сабабларига кўра тўхтатиб қўйилган корхоналар фаолиятини тиклаш, уларнинг экологик хавфсизлигини таъминлашга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш, аҳоли эҳтиёжлари учун моллар ва айниқса дори-дармонлар ишлаб чиқариш, шунингдек иссиқлик ва электр энергия ҳосил қилиш билан технология жиҳатидан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш қувватларини шошилинч қайта тиклашга алоҳида эътибор бериш тавсия этилсин.

8. ССЖИ ҳукумати жумҳуриятларнинг ҳукуматлари билан биргаликда бир ой ичида мамлакатдаги битказилмай қолган қурилишлар 1991 йилда қисқартирилишини таъминлайдиган иқтисодий тусдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва қабул қилсин.

9. ССЖИ ҳукумати ушбу қонун билан тасдиқланган ССЖ Иттифоқи қарамоғидаги соҳалар бўйича давлат режасига амал қилиб, тармоқлар ва халқ хўжалиги комплекслари бўйича 1991 йилги тегишли кўрсаткичларни тасдиқласин ва ўн кунлик муддат ичида уларни ССЖ вазирликлари, идоралари, тармоқлараро давлат бирлашмалари, давлат уюшмалари ва концернларига маълум қилсин.

10. ССЖИ ҳукумати, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳукуматлари 1991 йилги режани бажариш чоғида халқ хўжалиги бирмунча барқарор ишлашини, шу асосда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ва уни иш билан таъминлашни ҳамда истеъмол бозорини барқарорлаштиришни таъминлайдиган долзарб чора-тадбирларни кўрсинлар.

11. ССЖИ ҳукумати ССЖ Иттифоқи қарамоғидаги соҳалар бўйича 1991 йилги давлат режаси лойиҳаси ҳамда шу йил иқтисодиёт фаолиятининг умумиттифоқ тахмини юзасидан ССЖИ Олий Кенгаши қўмиталари ва палаталар доимий комиссияларининг қўшма хулосасини муҳокама қилсин ва ундаги таклифларни рўёбга чиқаришга оид зарур чораларни кўрсин.

12. ССЖИ Олий Кенгаши қўмиталари ва палаталарнинг доимий комиссиялари ССЖ Иттифоқи қарамоғидаги соҳалар бўйича 1991 йилги давлат режаси бажарилиши устидан назорат ўрнатсинлар.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 12 январь.

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Меҳнаткашлардан келган саволларга редакция ҳузуридаги ҳуқуқ, социалистик қонунчиликни тарғиб қилиш жамоатчилик кенгашининг аъзоси, юрист А. Ҳасанов жавоб беради.

САВОЛ:— бир неча йил бурун уй-жой сотиб олган эдик. Ҳозирга қадар уни нотариал идораси рўйхатидан ўтказа олмадик. Шунинг учун мазкур уй дафтарига ҳам қайд қилишмади. Айтинг-чи, уйнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишлари мумкинми?

С. ҚОСИМОВ,
Октябрь ноҳияси.

ЖАВОБ:— Ҳа, мумкин. Чунки, шаҳардаги ёки шаҳар типидаги қўрғонларда бўлган уй-жойнинг олди-сотди шартномаси нотариал идораси томонидан тасдиқланган бўлиши керак. (ЎзССЖ гражданлик кодексининг 258-моддаси).

Ушбу уй-жойнинг олди-сотди шартномасига риоя қилмаслик бундай шартномани ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келади.

САВОЛ:— Яқинда фарзандларимиз ёнига яна битта фарзанд қўшилди. Ҳали мен суюнчи пули олганим йўқ. Айтинг-чи, қонун бизга ўхшаш оналарга қандай имтиёз белгилаган?

К. СОБИРХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ:— Қонун болалик оналар учун қатор имтиёзлар белгилаган. Айниқса кейинги вақтларда Иттифоқ ҳукумати қабул қилган қарорлар, жумҳуриятимиз Президентининг фармонлари шундай ғамхўрликнинг исботидир. Жумладан, 1990 йилнинг 1 декабридан бошлаб фарзанд кўрган ҳар бир оила (энг кам иш ҳақининг уч баробар миқдорида)нинг даромади қанча бўлишидан қатъий назар 210 сўмдан иборат суюнчи пули олади. Шу кундан бошлаб 1,5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг ҳар бири учун (бунда оиланинг ҳар бир аъзоси учун даромади 140 сўмдан ошмаган бўлиши лозим) ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, яъни 35 сўмдан нафақа тўлаш кўзда тутилган. Демак сиз ҳам бу имтиёзлардан фойдаланишингиз мумкин.

САВОЛ:— Фабрикада ишлайман. Ҳомиладор бўлгач, маъмурият илтимосимга кўра мени бошқа ишга ўтказди. Айтинг-чи, аввалги ойлик маошим сақланиши шартми?

П. ОЛИМЖОНОВА,
Чирчиқ шаҳри.

ЖАВОБ:— Ҳа, сақланиши керак. ССЖИ ва Иттифоқдош жумҳуриятлар меҳнат қонунлари асосларининг 70-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёллар врачларнинг хулосасига асосан аввалги иши бўйича маоши сақланган ҳолда бошқа енгилроқ ишга ўз розиликлари билан ўтказилади. Демак, сизнинг ҳам аввалги ўртача иш ҳақингиз сақланиши керак.

Ўзбекистон меҳмонлари

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидовнинг амалий ташриф билан Ўзбекистонга келган Жанубий Корея ишбилармонлари делегацияси билан 16 январь куни бўлиб ўтган учрашувида ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Учрашувда республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, ташқи иқтисодий ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

Енгил ва маҳаллий саноат моллари, бинокорлик материаллари тайёрлайдиган қўшма корхоналар барпо этиш масалалари қўйилди. Пахта, пилла ва қорақўлни қайта ишлашда, маҳаллий хом ашёдан замонавий бинокорлик материаллари тайёрлашда Ўзбекистон Жанубий Корея мутахассисларининг илғор технологияларидан муваффақиятли фойдаланиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди. Соғлиқни сақлашда ва экология муаммоларини ҳал қилишда, халқ таълими, илм-фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик қилиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Жанубий Корея делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши режаларида республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари билан учрашувлар, қўшма корхоналар барпо этиш юзасидан бевосита шартномалар тузиш мақсадида саноат корхоналари ва бирлашмаларига бориш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).



● УЗБЕКИСТОН қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида илғор ишчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ушбу суратда токарь В. Комаров (ўнгда), электр пайвандчилар А. Ковтун, А. Эгамбердиев ва Ш. Мўминовларни кўриб турибсиз. Улар топшириқларни доим ортиғи билан бажаришмоқда.

Суратқаш М. НАЗАРОВ.

• Амалий ишлар

БИЗ УЧУН ҲАММА НАРСА МУҲИМ

«Жумҳурият Компартияси ўзининг асосий негизи— бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтиришга, фаоллиги ва мустақиллигини кучайтиришга алоҳида эътибор беради» — «Ташсельмаш» заводи бошланғич партия ташкилотлари котибларининг йиғини Ўзбекистон ССЖ Компартияси ҳаракат дастуридаги ана шу қоидани кўриб чиқиш билан бошланди. Бошланғич ташкилотларнинг партия етакчилари Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қабул қилган ҳужжатларни ўрганишни қандай ташкил этиш кераклигини, уларни кундалик амалиётга қай тарзда тезроқ жорий этишни муҳокама қилдилар.

— Ташкилотимизда олти юздан ортиқ КПСС аъзоси бор,— дейди партия қўмитасининг котиби,— бу энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган жуда зўр жанговар отряддир. Мафкуравий ишларни ҳам, техникавий муаммоларни ҳал этишда қатнашишни ҳам ўз фаолият доирамизга киритганмиз. Мен партия бирорта масаладан четда туриш ҳуқуқига эга эмаслигига чуқур ишонаман.

Мана, оддий бир мисол: завод жамоаси ўтган йили янги конструкциядаги «ХС-1,8» икки қаторли пахта териш машиналаридан мингтага яқинини тайёрлаб чиқарди. Ана шу машиналарнинг соддалаштирилган, ўзига хос андозасини корхона мутахассисларининг ўзлари ишлаб чиқдилар.

Аслида, бу ишга партия қўмитасининг мажлисларидан бирида «туртки» берилганди. Ўшанда пахта териш техникасини такомиллаштириш тўғрисидаги масала ўртага қўйилганди. Одатда бу иш билан пахтачилик учун машиналар тайёрлайдиган давлат махсус конструкторлик бюроси шуғулланади. Лекин коммунистлар бундай фикр билдирдилар: бизда кучли конструкторлик бюроси, бошқа техника хизматлари, тажрибали мутахассислар бор. Демак биз техникани такомиллаштириш борасидаги ўз йўлимизни изламоғимиз керак. Махсус ижодий гуруҳ тузилди, аниқ-равшан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

— Ана шундан бери партия қўмитаси машинани ишлаб чиқиш ва тайёрлаш борасидаги ишларда кузатувчи бўлиб қолмади,— дейди Ш. М. Файзиев.— Мажлисларимизга мутахассисларни таклиф этдик, маслаҳатлашдик. Айрим қисмларни ишлаб чиқишга, кейин эса хилма-хил жиҳозларни тайёрлашга бошқа конструкторлик бюроларини, корхоналарни ҳам жалб этдик. Барчанинг баравар ҳаракат қилиши натижасида ишлар юришиб кетди. Ўтган йили 375 та янги машина тайёрлашни режалаштиргандик, лекин унга қараганда икки ярим баравар кўп машина ишлаб чиқилди.

Бир ёқадан бош чиқариб ишлаш партия комитетининг тутган аниқ ва қатъий йўлидир. Аниқ-равшан мақсадга эришиш учун касаба уюшмаси қўмитаси, заводдаги 30 дан ортиқ жамоат ташкилоти билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Партия қўмитаси мажлисларида, очиқ партия йиғилишларида, конференцияларда бундай ишларга катта аҳамият берилади, ташаббускорлар қўллаб-қувватланади. Жамоанинг фикри, унинг қўллаб-қувватлаши бундан кейинги фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолади.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

• Маҳалла кенгашлари ҳаётидан

НАВБАТДАГИСИ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТ ноҳиясидаги «Иттифоқ» маҳалласида турли оммавий, маданий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Шуниси эътиборга лойиқки, бундай тадбирларда ноҳия партия ва шўро ходимлари ҳам иштирок этиб, меҳнаткашлардан тушаётган талаб ва истакларни ўрганиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Яқинда маҳалла қўмитасининг клуби яна гавжум бўлди. Бу сафар клубга шу ҳудудда яшовчи хотин-қизлар, шунингдек ноҳия партия, шўро ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари тўпланишди. Бу оқшом улар маҳалла хотин-қизлари иштирокидаги савол-жавоб кечасини ўтказишди.

— Бугун бу ерга йиғилишдан асосий мақсад, — деди ноҳия партия қўмитаси мафкура бўлими мудирининг ўринбосари Раъно Каримова,— йиғилиб қолган муаммоларни очиқ-ойдин ўртага ташлаш, сизлар билан фикрлашиш, ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш борасида конкрет тадбирлар белгилашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар иштирокида ўтказилаётган бу йиғилишда ноҳия ички ишлар бўлими, санитария-эпидемиология станцияси ҳамда коммунал хўжалиги бўлими вакилларини ҳам таклиф этганмиз.

Шундан сўнг савол-жавоб кечасида иштирок этган аёллар хотин-қизларнинг оилада бола тарбияси билан шуғулланишлари учун вақт ажратишга имконият яратиш, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолликларини ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича зарур бўлиб турган масалаларни кўтаришди. Йиғилишда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ саволлар ҳам ўртага ташланди.

Ошкораликда ўтган саволжавоб кечасида ноҳия ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Қобилжон Маҳкамов ҳам сўзга чиқиб, болалар тарбияси билан жиддийроқ шуғулланиш, уларни турли касб-ҳунарга ўргатиш, маҳаллада хилма-хил тўгараклар фаолиятини янада жонлантириш, айниқса, ўсмирлар тарбиясида маҳалла фаолларининг қўшадиган ҳиссаси салмоқли бўлиши мумкинлиги ҳақида гапирди. Шу билан бирга у ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари маҳаллаларнинг аҳли билан биргаликда ҳаракат қилганларидагина турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мумкинлигини таъкидлади.

Кечада бир гуруҳ аёллар сўзга чиқиб, кейинги пайтларда мутасадди ташкилотларнинг бефарқлиги оқибатида атроф-муҳитнинг ифлосланаётганлигини, айниқса, Келесдаги овқатланиш муассасалари, «Хизмат беминнат» уйи ва савдо шохобчалари теварагидаги аҳвол ниҳоятда ачинарли эканлигини куюнчаклик билан гапирдилар.

Кечада иштирок этган ноҳия коммунал хўжалик бўлими бош муҳандиси Раҳимжон Каримов, санитария-эпидемиология станцияси врачи Қаҳҳор Абдуллаев ва бошқалар ҳам йиғилиш иштирокчиларидан тушган саволларга жавоб бердилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳалла қўмитаси хотин-қизларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозир бу ерда Инобат Йўлдошева бошчилигидаги 11 кишидан иборат хотин-қизлар кенгаши ташкил этилган. Бу кенгаш аёлларнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини ҳал этишда, ёрдамга муҳтож оналарга кўмаклашишда бош-қош бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда «Иттифоқ» маҳалласидаги бу тажрибани кенг оммалаштирса арзийди.

М. ТУРОБОВ.

ФИКРЛАШИБ ОЛДИЛАР

ЯҚИНДА пойтахтимизнинг Киров ноҳиясидаги Янгиариқ маҳалласи чойхонасида ноҳиядаги маҳаллалар фаолларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда партия, шўро ташкилотларининг раҳбарлари билан биргаликда 80 га яқин киши иштирок этди.

Биринчи бўлиб сўз олган Янгиариқ маҳалла қўмитасининг раиси К. Комилов, маҳаллада олиб борилаётган ободончилик ишлари ҳақидаги тажрибалар билан ўртоқлашди. У маҳалла аҳолисининг саъйи ҳаракати туфайли ҳозирда 3 та озиқ-овқат ва сабзавот дўконлари, 2 та чойхона, нонвойхона, сартарошхона, амбулатория, матбуот нашрларини сотадиган дўконча каби маиший хизмат кўрсатиш ўчоқлари ишлаб турганлигини қайд қилиб ўтди.

— Бизнинг Аҳил маҳалласида ҳам, — деди маҳалла қўмитасининг раиси М. Тўлабоев, — бир қатор ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам талайгина. Ҳанузгача баъзи бир кўчаларимизга асфальт ётқизилмаган, электр ёритгичлар ўрнатилмаган. Тегишли ташкилотларга қатнайвериб, тинка-мадоримиз қуриди.

Ҳақиқатан ҳам маҳаллаларда жуда кўп муаммолар йиғилиб қолган. Буни сўзга чиққанлар яна бир бор таъкидладилар.

Қизил деҳқон маҳалла қўмитасининг раиси Н. Абзалов тўй-хашамлардаги дабдаба ва исрофгарчиликни, мусибат рўй берган хонадонларда бўладиган етти, йигирма, қирқ каби ҳоказо маросимларни ўтказишдаги ортиқча сарф-харажатларни камайтириш тўғрисида, Янгиариқ маҳалласи фаоли Ш. Набиев маҳаллада амалга оширилаётган ўрнак олса арзийдиган ишлар ва кўча-кўйда ариқ бўйларига экилган дарахтларни суғоришда туғилаётган муаммолар хусусида, шу маҳалла оқсоқоли Қобил Ҳожи ота ўзининг Маккаю мукаррама, Мадинан мунавварага қилган сафар таассуротлари, у ердаги мусулмонларнинг яшаш тарзи, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, диний эътиқод, жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари, ССЖИ миқёсида қабул қилинган. «Виждон эркинлиги ҳақида»ги қарор тўғрисида фикр юритдилар.

Кенгашда ҳозирги кунда ҳаммамизни ўйлантираётган муаммолар ўртага ташланди. Диний эътиқоднинг тиклиниши қайта қуришнинг маҳсули бўлди, десак адашмаймиз. Кексаларимиз қадимги масжидларни тиклашни ва ўзлари учун шароит яратиб беришларини ноҳия раҳбарларидан илтимос қилдилар.

Мажлис сўнггида сўзга чиққан ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Р. Калонов бу ерга йиғилган маҳаллалар фаолларига ноҳия маҳаллаларида эришилаётган ютуқларни оммалаштириш, камчиликларни тузатишда маҳаллалараро йиғинлар катта роль ўйнашини ва бундай тадбирни тез-тез ўтказиб туриш кераклигини, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларни ўша жойда ечиш учун ноҳия раҳбарлари барча имкониятларни ишга солишларини айтди.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
меҳнат фахрийси.

ЛАВҲА

ҲАЁТ КАБИ ГЎЗАЛСАН...

НОЯБРЬ ойининг ўрталари эди. Ўша куни об-ҳавочиларнинг айтганлари тўғри бўлиб чиқди. Пешинга яқин совуққина қор аралаш ёмғир томчилай бошлади. Далада иккинчи ёки учинчи теримни кутиб ётган пахтани, ишкомларда бол йиғиб, оғизга тушса карсиллайдиган узумларни ўйлаганимда ёмғир гўё ичимга ёғаётгандай бўларди. Автобус Ғалаба ноҳиясидаги «Огонёк» давлат хўжалиги ерларига киргач, манзара ҳам тамоман ўзгарди: катта йўлнинг икки қанотида терак, чинорлар бир-бирлари томон шундай эгилган эдиларки ёғ ёки нуроний онахон бир-бирлари билан қучоқ очиб сўрашаётгандай. Бундай манзара бир неча чақиримгача давом этди. Ҳосилдан бўшаган олмазор, олтиндай товланиб турган беҳилар кўзни қамаштиради. Кейин ишкомлар бошланди. Боши ҳам, охири ҳам кўринмайди. Автобусдан тушиб, тўғри узумзорга юрдик. Йигит-қизлар қўлларида тўла яшик билан шошилинч ишкомлардан чиқарди. Яшикларда Баянширей, Нимранг рислинг, ҳусайни, Сапирави навли узумлар. Ҳар бир боши бир килодан кам эмас. Бу ерда Тошкентдаги рус тили ва адабиёти дорилфунунини биринчи курс талабалари ҳашар қилишаётган экан.

— Кунига 45—50 яшикдан узум теряпмиз,— деганди Ҳикматилла Убайдуллаев,— Нормамиз 40 яшик. 1-октябрдан винобоп узумнинг нархи 5 тийин, навли узумники эса 7 тийин қилиб белгиланди. Демак, агар нормани бажарсак, бир кунда 25—30 сўм даромад қилган бўламиз.

— Нормани бемалол ошириб бажарса бўлади,— суҳбатга қўшилади Ўткир Раимназаров.— Ҳар ҳолда узум узиш бу — пахта териш дегани эмас. Ана ёмғир тезлашяпти. Шундай шароитда боғбонларга ёрдам бермасак инсофдан бўлмас. Қолаверса, ўзимизга ҳам фойда, Стипендияга қараб қолмаймиз.

Талабалар йўл-йўлакай штабни кўрсатиб қўйишди. Ёшларнинг шунисига қойил қоласан, киши. Жамоа бўлиб ҳашарга отланишдими— бўлди, шу куниёқ штаб тузиб олишади. Ўз меҳнат фаолиятлари, маданий-маиший хизматларига доир барча масалаларни шу ерда ҳал қилишарди. Штабда 2-миллий тиллар факультети декани ўринбосари Ўрол Ярие телефонда гаплашаётган экан.

— Келганимизга беш-олти кун бўлди,— деди у янги маълумотларни ён дафтарига қайд этиб бўлгач,— Ҳозиргача 500 тонна узум териб берибмиз. Нормаларини анча ошириб бажараётган талабалар сони кўпайиб боряпти. Масалан, Муҳаббат Абдувалиева, Ойдин Толипова, Соҳиба Туроповалар кунига 700—800 килограммдан узум узишяпти. Совхоз ишкомларида салкам 3 минг тонна ҳосил тургани бизни ҳам ташвишга соляпти. Шунинг учун эртага яна 200 нафар талабани ҳашарга чақирдик.

Чой баҳона суҳбатимиз қизиди. У гапириб берган бир воқеа узоқ вақт ёдимдан чиқмаса керак. Ёзги таътилда 50 нафар талаба билан Астраханга ҳашарга боришибди. Колхоз раиси ва бош агроном уларни яхши жойлаштириб, иш кўрсатишибди. Сабзи, карам пайкалларини ўтоқ қилиш керак экан. Тўрт кунлик муҳлат беришибди. Кечқурун штаб бошлиғи бу юмуш бажариб бўлингани тўғрисида айтганда улар бу гапга ишонмай далага борib текшириб кўришибди. Рост экан. Кейин помидор теришга тушилибди. Бир кишига кунлик норма 400 килодан экан. Талабалар бу кўрсаткични 1000 килога чиқаришибди. Москва, Свердловскдан ҳашарга келган талабалар ҳам бор экан. Мусобақа ўйнашибди. Илғорларга 200, 300 сўмлик пул, бир қўй мукофотлари ажратилибди. Мусобақа якунида ҳамма мукофотни ўзбекистонлик йигит-қизлар олишибди. Ҳар бир талаба бир ой ичида ўртача 700—750 сўмдан даромад қилибди.

— Шундай азамат йигит-қизлар билан бирга ишлаш бизга ҳам мароқли,— дейди у мамнун жилмайиб.

Хўжалик маъмурий идорасида ҳам бесаранжомлик ҳукм сурарди. Хўжаликнинг ҳар бир аъзоси ҳосилни тезроқ териб олиш ташвиши билан елиб-югураётганини пайқаш қийин эмас. Директорни ҳам қайсидир бригада боғидан топиб келишди.

— Талабалар ишидан хурсандмиз,— деди Зикрилла ака Раҳматуллаев.— Виждонан, ёшларга хос меҳнат қилишяпти. Бир ойдан кўпроқ бизга кўмаклашган Тошкент алоқа техникуми ва ҳозир ғайрат билан ишлаётган пойтахт темир йўл техникуми талабалари оғиримизни енгиллаштиришди. Алоқа техникумидан келган йигит-қизларнинг ҳар бири кунига 400—500 килограммдан мева, узум териб беришди. Улар ўртасида иш якуни бўйича бир минг сўмга қадар даромад олганлар бўлди. Ҳосилнинг асосий қисмини териб бериш ҳам талабалар ҳиссасига тўғри келди. Ишда шундай суръат давом этадиган бўлса йиллик режа албатта бажарилади. Ҳа, худди шундай бўлди. Давлатга мева топшириш режаси ортиғи билан уддаланди. 5400 тонна ўрнига 6650 тонна мева терилди.

Ушбу учрашув ва суҳбатлар хўжалик учун ҳосил хавф остида қолган кунларнинг бирида бўлиб ўтганди. Шу бир куннинг ўзиёқ совхоз эртасини яққол кўрсатиб турарди.

Ўтган йили хўжалик аъзолари берган ваъдалари устидан чиқиб давлатга салкам 9 минг тонна узум сотдилар. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар гектар боғдан олинган узум 20 тоннаданга тўғри келди. Бу жумҳурият бўйича энг юқори кўрсаткичдир. Меванинг эса ҳар гектаридан 15,5 тоннадан ҳосил олинди. Совхоз заводда яқинда қуриб, ишга туширилган совуқхона ҳар томонлама фойда келтиради. У 1,5 миллион сўмлик маблағ ҳисобига қурилди. 500 тоннадан кўпроқ олма, узум қишга сақлаш учун қўйилди. У яна 1 минг 300 тонна маҳсулот сиғдира олади.

Мавсумда мева ва узумни совуқ урдирмай териб олиш хўжалик жамоасининг фикри-зикри бўлди. Айниқса Саид Маҳмудов бошқараётган 4-бўлим боғбонлари хўжалик юкининг кўп қисмини гарданларига олишди. Йиллик режаларини биринчилар қатори бўлиб бажариб, давлатга 4 минг тоннадан зиёд маҳсулот топширдилар.

— Ўтган, боғбон ва соҳибкорлар учун ноқулай келган йилда ҳам фойда олиш режаси 200 минг сўмдан оширилган эди,— дейди хўжалик бош иқтисодчиси Е. Кузмин,— рентабеллик 30 фоизни ташкил қилганди. Бу йилги мақсадимиз — 11 миллион сўмлик даромад олишдир. Шунинг 4 миллион сўми соф фойда ҳиссасига тўғри келиши керак.

Бундай кўрсаткичга биринчи марта эришяпмиз. 1989 йили ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 214 сўмни ташкил қилган бўлса 1990 йил якунида у 300 сўмдан кам бўлмади...

...Хонадонларни айланамиз, боғбонлар билан гаплашамиз, гурунглашамиз. Гарчанд қиш, ҳавонинг авзойи бузилган бўлса-да одамларда бунинг аксини кўрамиз. Чунки янги йил ҳосилига пухта замин яратиб қўйилган. Токлар кўмилган, оралари чопиб қўйилган, тегишли озуқа билан таъминланган.

Ғалаба ноҳиясидаги энг йирик боғдорчилик-узумчилик хўжаликлари биридан қайтар эканмиз, ҳадемай эрта баҳорда ана шу боғларда яна ҳаёт қайнаши кўз олдимиздан ўтди.

А. МАННОПОВ.

СИЗДА ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР БОРМИ?

ТУЗ ёки тузланган таом ейсизми, чекиб, спиртли ичимликлар ичасизми? Қаҳва ичиб, чақмоқ қанд ва у аралашган бошқа маҳсулотларни истеъмол қиласизми? Ҳа, десангиз, демак, сизнинг танангизни минерал ва витаминлардан ҳоли бўлган овқат заҳарлаб туради.

Айтингчи, кучли иродага эгасизми? Сизнинг танангиз устидан нималар ҳукмронлик қилади? Ёмон одатларми ёки сизнинг истакларингизни ақлингиз бошқарадими? Огоҳ бўлинг, танангиз сиз учун ўйлай олмайди. Фақат ақл кучи билан сиз бўлмағур одатларингизни енга оласиз. Очлик, ҳар бир ҳужайрага, ҳар бир аъзога етиб борib, сизнинг ҳаётий кучларингизни кучайтиради. Буни фақат сиз ўзингиз қиласиз, ҳеч ким сизнинг ўрнингизга таом ея олмайди. Мен аминманки, 99 фоиз касалликлар нотўғри ва нотабиий овқатланиш натижасида содир бўлади.

Ҳар бир машинанинг самарадорлиги у ишлаб чиқараётган қувватнинг миқдори ва сифатига боғлиқ. Инсон танасига ҳам шу нарса мос келади. Очлик пайтида оғиздан қўланса ис келиши бу одам заҳарли моддалардан иборат таомларни кўп тановул этганлигидан далолатдир. Пешобнинг қорайиши зарарли моддалар кўп ейилганидан нишонадир. Оч қолиш йўли билан сиз табиатга ўзингизнинг баданингиздаги заҳарли нарсаларни чиқариб юборib, ёрдам қилган бўласиз.

Очлик пайтида инсон туйғулари ўткирлашади, ақл чархланади, табиатнинг нозик сасларини илғашга шайланади. Мен шунга ишонч ҳосил қилганманки, ҳар бир очликдан сўнг мия янада яхши ишлай бошлайди, ахборотни тез қабул қилиб ўзлаштиради, ўқиган нарсалардан анча-мунчаси хотирага ўрнашиб қолади. Кимда ким кўп емаса, уни дангасалик дарди ўз исканжасидан қўйиб юборади. Донишмандлик эшиклари ҳеч қачон ҳеч ким учун берк бўлмайди.

Тамаки, спиртли ичимликлар ҳалокат ёқасига олиб боради.

Мен ёшлигимда қоврилган нарсалар, қаймоқ, кофе, пирожнийларни кўп еган эдим. Шундан сўнг ўн соат тўйиб ухласам ҳам қандайдир эринчоқлик, нохушлик билан уйқудан турар эдим. Оғзимдан нохуш ис йўқолмас, кўп овқат есам ҳам кучим кўпаймас эди. Кўп овқат ейдиган одамлар ҳаёт деб аталган ажойиб саргузаштли дунёни давом эттиришни эрталаб сабрсизлик билан кутмайдилар.

Агар сиз ўз ҳаётий кучларингизни жуда камайиб кетганлигини ва ўзингизни тартибга солишингиз қийинлигини сезсангиз, 1,5 кундан 3—4 кунликкача бўлган очлик ҳолатига ўтишингиз мумкин. Албатта, жуда ҳам овқатланмоқчи бўласиз, лекин, эсда тутингки, жисмда онг бўлмайди, ақл жисмни кўпроқ истеъмол қилиб турилса, улар қондан заҳарли моддаларни ҳайдайди, ўсимликлардан иборат таомларга секин-аста кўника борасиз. Аксинча, қоннинг ачитиш ҳаракатини кучайтирувчилар бўлиб, асосан, қанд ва углеводлар, кофе, чой, спиртли ичимликлар, ун маҳсулотлари, гўшт, балиқ кабиларни айтиш мумкин. Бундан қутулиш учун асосан мева-сабзавот, ёнғоқ ва ўриклардан иборат таомларни ейиш керак ва бу унчалик қийин эмас. Ҳеч ким меваларнинг ширинлик хосларини инкор қилмаса керак, шакаробларни истаганча тайёрлаб ейиш мумкин, ҳамма ёнғоқлар ва донлар ейишли ва мазалидир. Фақат шулар билангина чекланишнинг эҳтиёжи йўқ, албатта. Лекин қон тоза бўлсин, микроблар кўпаймасин деган одамлар юқоридаги рационга амал қилсалар, фойдадан ҳоли бўлмасди. Озгина қовуриб олинган ер ёнғоқ, бодом, грек ёнғоғи, писта уруғлари иштаҳали ва фойдалидир. Гўштни хуш кўрсангиз ҳафтада 2—3 бор есангиз кифоя, лекин асло бир кунда уч марта эмас. Сал — бўлса-да, мазангиз қочса, мазали таомларга бутунлай ўтинг. Бош оғриғи, кўнгил айнаши, кўз жимирлаши, оғизда нохуш ис пайдо бўлиши, жисмоний заифлик, ақлий чарчаш каби ҳолатлар ҳам тезда шу тартибга ўтишни талаб қилади. Агар жигарингиз безовта бўлса, тезда гўшт-ёғларни, қанд, ширинликлар ейишни тўхтатинг, бу ҳолатларда ўзингизга зарур оқсилларни ёнғоққа ўхшаган озуқалардан олишингиз мумкин.

АЦИДОЗ — қон айланишининг биринчи белгилари: тилда кўкимтир доғ пайдо бўлади, асабийлик ва қонинг юзга тепиши ҳолатлари кузатилади. Агар ацидоз доимий тусга айланса, у артериал босимнинг ошишига, кейин эса артерия деворларининг қотишига (артеросклероз), қоннинг яхши айланмаслигига олиб келади. Ачитқи ғаомлар истеъмол қилиб, қонни янада заҳарлаш бевақт ўлимларга олиб борувчи омилдир. Шунинг учун сизни таом бобида ғалатироқ деб ҳисоблашса, бунга эътибор берманг, эсда тутингки бу «ғалатилик» сизни қабристондан йироқроқ олиб юради. Майли «юз фоиз маромли» одамлар кулса кулаверсин, сиз ҳаммадан сўнг куласиз. Ацидознинг юқорида айтилган биринчи белгиларидаёқ картошкадан помидорга, пишлоқдан мевага ўтинг.

ОЕҚ-ҚЎЛ БУҒИНЛАРИ ҲАҚИДА. Табиат ҳар бир бўғинни етарли даражада эпчиллик заҳираси билан таъминлаган — уларда кўкимтир суюқлик қопламаси мавжуд. Бу суюқлик инсоннинг ёш вақтидан мавжуд бўлиб, агар тўғри турмуш кечирилса, улар то кеч қариликкача сақланади, ўн ёшли боланинг бўғинлари жуда эркин букилади, баъзи кексалар бунга ҳафсаласизлик билан «у ўн ёшда, мен эса 66 даман» деб ўз оёқ-қўлларининг қийинчилик билан букишларини оқлашмоқчи бўлишади. Йўқ, умр йилларининг ўзи суюқликнинг миқдорига таъсир қилмайди. Фақат — заҳарли ачитқилар, қуйқаларгина бўғинлар ҳаракатидаги эркинликни маҳв этади.

Бу китобни ёзаётган пайтимда менинг ёшим 85 ни қоралаб қолган эди. Ва мен шу ёшимда бошим билан туриб йогнинг мушкул машқларини қийналмай адо эта оламан. Дунёда менинг ёшимда шундай қила оладиганлар жуда кам. Табиатнинг ўзи бўғинларни қотирмайди. Инсоннинг ўзи бўғинлардаги кўкимтир суюқлик ўрнида қуйқаларнинг пайдо бўлишига сабабчидир. Мен эса доимий ҳаракатлар ва оч қолиб, танамни тозалаганим, асосан мазали маҳсулотлар тановул қилишим туфайли қуйқалар тўпланишига йўл қўймаганман ва шунинг учун 85 ёшимда менда 10 ёшлик боланинг ажиб бир абжирлиги мужассам.

Танада заҳарли қуйқалар қандай пайдо бўлади? Маълумки, кўп йиллар давомида бизга вақтида уч марта овқатланиш зарурлигини қайта-қайта уқтириб келишган. Қорин унча оч бўлмаса-да, эрталабдан ветчина, бекон, тухум, иссиқ кулча, тортлар, мармеладлар, қовурилган картошка, вафли, чўчқа колбасаси, кофе, чой, шоколадни уриб олишади. Инсон танаси бундай оғир нонуштани ҳазм қилиши учун ўзининг етарли кучига эга бўлмай қолади. Шундай ҳолатларда бўғинларда овқатлар қолдиқлари қуйқалар шаклида тўпланади. Бу жуда суст жараён бўлиб, бўғинларнинг ўзи нохушлик уйғотмагунча сезилмайди. Бу нарса узоқ йиллар нотўғри овқатланиш натижасида содир бўлади. Бу қолдиқлар секин-аста кўкимтир суюқликнинг ўрнини эгаллаб олгандан сўнг бўғинларнинг ғрриши ва улар ҳаракатининг камайиши бошланади. Энг биринчи ҳужум оёқларга бўлади. Унинг ҳаракатланувчи кучлари бошқа аъзоларга қараганда кўп. Биргина товоннинг ўзида 26 дона ҳаракатчан суяклар мавжуд. Шунинг учун заҳарли қуйқалар бу жойда қулай ўрнашиб оладилар. Секин-аста товон бўғинлари эпчилликдан маҳрум бўла бошлайди. Ҳаракатчанлик ўрнига қандайдир қаттиқлик пайдо бўлади. Кўкимтир суюқлик ўрнини қуйқалар эгаллай бориб, улар қота бошлайдилар.

Товондан сўнг тизза, сон суяк бўғинларига навбат келади. Бел оғриқлари эса инсониятнинг кушандасидир. Ўрта ёшли киши эгилиб турганда «оҳ белим» деб ингранганини кўп эшитгандирсиз. Лекин заҳарли қуйқалар бу билан кифояланишмайди, улар энди яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, тобора юқорига кўтарилишади. Тоғай бўйлаб елка кенглиги, тирсаклар, бўйин ва бармоқларгача етиб боради. Баъзи одамлар шу даражада заҳарланишадики, ҳатто, ўз муштларини қиса олишмайди. «Буларнинг ҳаммаси ёшим ўтиб бораётганидан» деб ўзларини заифона юпатишади. Бу бекор гап. Асосий сабаб заҳарли ачитқи қуйқалар! Минглаб кишилар миллиардлаб дориларнинг бошига етишади. Ваналардан нажот излашади. Лекин, бари бефойда, заҳарли кристалларни бўғинлардан қувишнинг йўли — очлик усулини қўллаш. Очлик — қаттиқ қуйқаларни синдиради, секин-аста баданда қувиб чиқаради. Ҳар бир очликдан сўнг сиз бўғинлар ҳаракатидаги қатта эркинликни ва енгилликни ҳис қила биласиз. Олдинги қисилиш ўрнига ёшлик ва енгилликни сезиш туйғуси келади.

(Давоми бор).

СОҒЛИҚНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

3. ОЧЛИК МЎЪЖИЗАСИ

Касаллик кайфияти, безовталик, асабийлик, керaксиз қизиқиш қоннинг носоғлом ҳолатда эканлигини билдиради. Биз учун қувноқлик, ўзига ишонч одат бўлиши лозим. Муваффақиятсизлик, ранжу-аламларимиз қоннинг қай даражада тозаланганига боғлиқ.

Мен 120 йил ва ундан ҳам кўп яшашни хоҳлайман, менинг соғлиғим аъло даражада, мен ҳаётни севаман. Ҳар бир яшалган кун бу — мўъжиза. Мен ўз ҳаётим устидан ҳукмронман, унга хўжайинлик қилишни хоҳлайман ва унинг ҳар бир соатини қадрлайман.

Тўйиб есангиз, ичагингиздаги ачитиш-бижғиш жараёнини кучайтирасиз, мутаносибликни бузасиз ва ўзингиз ичакда микроблар кўпайишига сабаб бўласиз. Эмизикли болаларга она сути бериш керак, оқ ун, оқ қанд ва туз ка, кофе, чой, пепси-колага берилган кишилар чуқур меланхолия (инжиқлик, ношудлик маъносида) ва прострация (дангасалик ва лоқайдлик маъносида)дан қутулиш учун шу нарсалардан нажот излайдилар. Аслида инжиқлик ва дангасалик озиқ-овқатлар тимсолида ортиқча заҳарланишдан келиб чиқадиган офатлардир.

Инсон қони озиқ-овқатларни ачитувчи эмас, унга маза киритувчи ролини ўйнаши керак. Қоннинг ўзига эса бундай хусусиятлар сабзавот ва мевалар, шакароблардан «юқади».

Ҳар бир таом олдидан шакароб ёки мева енг. Баъзилар уларни тана ўнча ёқтирмайди, дейишади. Бунинг сабаби, бундай одамларнинг қони ҳозирча озиқ-овқатларга маза киритиш эмас, уларни ачитиш хусусиятига эга. Агар мева ва сабзавотлардан сасини инкор қилмаса керак, шакаробларни истаганча тайёрлаб ейиш мумкин, ҳамма ёнғоқлар ва донлар ейишли ва мазалидир. Фақат шулар билангина чекланишнинг эҳтиёжи йўқ, албатта. Лекин қон тоза бўлсин, микроблар кўпаймасин деган одамлар юқоридаги рационга амал қилсалар, фойдадан ҳоли бўлмасди. Озгина қовуриб олинган ер ёнғоқ, бодом, грек ёнғоғи, писта уруғлари иштаҳали ва фойдалидир. Гўштни хуш кўрсангиз ҳафтада 2—3 бор есангиз кифоя, лекин асло бир кунда уч марта эмас. Сал — бўлса-да, мазангиз қочса, мазали таомларга бутунлай ўтинг. Бош оғриғи, кўнгил айнаши, кўз жимирлаши, оғизда нохуш ис пайдо бўлиши, жисмоний заифлик, ақлий чарчаш каби ҳолатлар ҳам тезда шу тартибга ўтишни талаб қилади. назорат қилмоғи лозим. Оч қолиш пайтидан чиқишларда мазали таомлардан ейиш керак.

ОШҚОЗОН — уни қандай қилиб соғ сақлаш мумкин?— деган савол туғилади. Қонни ҳар хил нарсалар билан зарарланишдан сақлаш ўз қўлингизда. Лекин буни ҳамма ҳам тушунишни хоҳламайди. Сиз ҳаётда қуйидагича гапларни кўп эшитган бўлсангиз керак: «Мен ўзимни сал ёмон ҳис қилаяпман, қувватим йўқ, рангимда қон йўқ, ҳа, энди иссиқ жонмиз-да». Йўқ, иссиқ жоннинг бу ерда ҳеч бир алоқаси йўқ, сиз ўзингиз хоҳласангиз ва шунга интилсангиз ҳамиша соғлом, хуш кайфиятли бўлишингиз мумкин. Ўз танангизни вақти-вақти билан қаровидан хабар олиб турилиб машина-механизм, деб ҳисоблашингиз кифоя. У ҳеч қачон, агар сиз унга доимий эътиборни йўқотмасангиз, бузилмайди.

(Давоми, боши рўзномамизнинг 15, 17 январь сонларида).

БЕБАҲО ДУРДОНАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН жумҳуриятининг Алишер Навоий номли миллий кутубхонасида халқимизнинг фахри, буюк бобомиз, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий тавваллудининг 550 йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси очилди.

Кўргазмада «Навоий замондошлари хотирасида», «Навоий гулшани», «Ғазал мулкининг султони», «Навоийнинг адабий мероси ҳақида тадқиқотлар», «Навоий ва театр», «Навоий ва тасвирий санъат», «Навоий ва мусиқа», «Алишер Навоийнинг 550 йиллик тавваллудини нишонлаш учун тузилган юбилей комиссиясининг материаллари» каби бўлимлар мавжуд.

Кўргазмага қўйилган асарлар орасида Навоийнинг турли даврларда, турли тил ва имлоларда Вашингтон, Анқара, Лейпциг, Кобул, Варшава, Истамбул ва яна бир қанча шаҳарларда босилиб чиққан асарлари, унинг ғазалларига битилган қуй ва қўшиқлар, ўта нодир асарлар, илмий рисолалар бор. Кутубхонанинг кўргазма зали юксак дид ва юрак кўри билан жиҳозланган. Шу боис бу ердаги бебаҳо дурдоналар ҳар бир китобхонда катта таассурот қолдирмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

● СУРАТЛАРДА: кўргазма залларидан лавҳалар. Муаллиф суратлари.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА НАВОИЙХОНЛИК

ЎЗБЕКИСТОН Ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Алишер Навоий тавваллудининг 550 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда халқимиз зиёлиларининг вакиллари билан бир қаторда қардош жумҳуриятлардан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам иштирок этдилар.

Кечани адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов ва шоир Мирзо Кенжабек олиб бордилар. Туркманистонлик шоир Н. Кучиев, қозоғистонлик меҳмон Н. Айитов ва белорус адиби В. Жуковский ўзларининг Навоий ғазалларидан қилган таржималарини ўқиб бердилар. Таниқли шоирлардан Омон Матжон, Усмон Азим ва Тўра Мирзо эса тўпланганлар эътиборига улуғ мутафаккир ғазалларига боғлаган мухаммасларини ҳавола қилдилар.

Адабий кеча қатнашчилари 1991 йил — Навоий йилида жумҳуриятимизнинг ҳамма мактаблари, ўрта ва олий ўқув юртларида, барча маданият-маърифат даргоҳларида навоийхонлик кечаларини ўтказиш, бундай фойдали ва зарур тадбирни йил давомида давом эттириш лозим эканлигини таъкидладилар. Халқимизнинг хушовоз хонандаларидан Муножот Йўлчиева, Бахтиёр Холхўжаев, Илёс Маллаев ўзларининг классик ҳамда замонавий руҳдаги қўшиқлари билан тўпланганлар дилини хушнуд этдилар.

Т. ЕРҚУЛОВ.

ИЖОДКОРЛАР — ИШЧИЛАР МЕҲМОНИ

ПОИТАХТИМИЗдаги «Мебель» ишлаб чиқариш бирлашмасида бир гуруҳ ижодкорлар иштирокида шеър, қўшиқ ва кулги кечаси ўтказилди.

Кечада шоир Носир Муҳаммад ўзининг ҳажвий шеърларидан ўқиб берди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тарғибот маркази қошидаги «Қаҳқаҳа» театр студиясининг актёри Шералн Ҳожиев интермедиялар ижро этди. Хушовоз хонанда Олимжон Матмуродов эса ўзининг дилтортар қўшиқ ва куйлари билан тўпланганлар қалбига қувонч бағишлади.

Меҳнат жамоаси номидан сўзга чиққан бирлашма директорининг муовини Лутфулла Азимов ижодкорлар билан учрашув тўпланганларда катта таассурот қолдирганини билдириб, меҳмонларга миннатдорчилик изҳор қилди.

Р. ҚУДРАТОВ.

Нишонали АВАЗОВ

Янгийўл ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Нишонали Авазов оғир ва сурункали касалликдан сўнг 1991 йил 16 январь куни 67 ёшида вафот этди.

Н. Авазов ўз меҳнат фаолиятини 1941 йилда Янгийўл ноҳиясидаги Ниёзбош қишлоқ шўроси котиблигидан бошлади. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси. 1949 йилда КПСС сафига ўтди. 1960 йилгача шўролар, комсомол ва партия ишида ишлади, 1960 йилдан то умрининг охиригача Янгийўл ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошқарувига раислик қилди.

Нишонали Авазов бутун ташкилотчилик қобилиятини жамоа хўжалиги иқтисодиётини мустаҳкамлашга, қишлоқ кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга сарфлади. Унинг фидокорона меҳнатлари Ленин, Халқлар Дўстлиги, Ҳурмат Белгиси орденлари билан тақдирланди. У Иккинчи даражали Ватан уруши ордени ва жанговар медаллар соҳиби эди.

Меҳнаткашлар ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутати эди.

Нишонали Авазовнинг ёрқин хотираси ўртоқлари қалбида абадий сақланади.

С. М. Мамарасулов, С. Д. Сайдалиев, В. Г. Гордиенко, В. Г. Ґришчук, Ш. О. Дадабоев, Ш. Н. Маҳмудова, М. Холиқова, А. П. Алимов, З. М. Зоидов, М. И. Исматов, М. К. Камолов, М. В. Расулов, М. Рўзматов, Р. Қ. Турсунов, М. И. Юсупов.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

4, 5, 6 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

«ФАРҒОНА ТАРОНАЛАРИ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори, «КАМОЛОТ — 89» кўригининг ғолиби

Охунжон МАДАЛИЕВ

ва хушовоз хонанда

Қиличбек ТОЖИЕВ

раққосалар: Гулмира ШИРИНОВА ВА Раъно ЗОКИРОВА.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30, 31 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА,
1, 2, 3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 ва 19.30 ДА

«ҲАЗИЛ-3»

ЯНГИ ПРОГРАММА ҲАЖВИЯ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Мирза Холмедов, Обид Асомов, Ботир Муҳаммадхўжаев, Собит Асомов, Тўхтамурод Азизов ва бошқалар.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.
Чиптапар соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси қошидаги шахсга сиғиниш даврида қатағон қилинган комсомоллар ва комсомол ходимларини оқлаш бўйича ташаббускор гуруҳи

ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Гуруҳ қатағон қилинган шундай кишиларни билган барча кишиларга жумҳуриятимиз тарихидаги уларнинг пок номларини тиклашда ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилади ва ҳар душанба куни — 33-36-13, 33-08-69 телефонлари орқали қўнғироқ қилишни ёки қуйидаги манзилгоҳга маълум қилишни илтимос этамиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 9-уй, 11, 12-хоналар, вилоят комсомол қўмитаси.

• Ўқитувчилар ҳақида ҳикоялар

БОЛАЛАРНИНГ ОПАЖОНИСИ

БИЗ бу заҳматкаш, кўпчилик манфаатини ўз манфаатидан юқори қўядиган, касбига меҳрли, болаларнинг дили-жони бўлган ўқитувчи билан бир неча йиллар давомида бирга ишладик. У ўн саккиз йилдирки, бошланғич синфларга дарс бериб келмоқда.

Ўтган вақт мобайнида ишчанлиги, ҳалоллиги ва ўта камтарлиги туфайли нафақат ўқитувчилар орасида, балки ота-оналар ўртасида ҳам юксак эътибор топди. Ким билан суҳбатлашманг, Доно Ҳайитованинг номини қандайдир илиқлик билан тилга олади. Акмал Икромов ноҳиясидаги Ҳусайн Шамс номли 4-ўрта мактабга таълим-тарбия савиясини текширгани келган бир қатор комиссиялар ҳам, хусусан методист Ўктам Икромова бу муаллима дарсларига кўп бора муносиб баҳо бериб кетишган. Ундан ёш ўқитувчилар ўрганишса арзийди деган тавсиялар беришган.

Бу жиҳатдан олганда Доно Ҳайитованинг шогирдлари кам эмас. Муҳаррам Тўхтамуродова, Шоҳиста Заҳириддинова, Клара Ҳусанова-лар эндигина мактабга қадам босган болалар қалбига кириб боришни Доно опадан ўрганишди. Қолаверса мен ҳам опанинг мухлисларидан бири бўлганман.

Муаллимада сезган асосий ютуқларимдан бири ўзининг ўз устозига ҳурматидир. Кўпинча мулоқотда бўлган пайтларимизда опа бир неча йиллар давомида 92-ўрта мактабда тарихдан дарс берган мураббийлари Самад ака Авазовнинг номини саммият билан тилга оладилар. Ҳар бир ўқувчининг қобилияти, феъли-атворига қараб муомалада бўлиш, талабчанликни бир маромда ишчил олиб бориш, айни пайтда яхши ҳулқли, билимга қизиқаётган болани ўз вақтида маънавий рағбатлантиришни ана шу мураббийларидан кириб боришни Доно опадан ўрганишди. Қолаверса мен ҳам опанинг мухлисларидан бири бўлганман.

Доно опанинг ўқитувчилик ҳаётида эсласа арзигудек воқеалар кўп. Ота-оналар билан учрашган пайтимда мана бу кичик лавҳани кўзларида севинч ёшлари билан бир она сўзлаб бердилар.

Бундан анча йилча муқаддам бир оиладан мактабга икки қиз қатнар экан. Доно опанинг синфидаги қизча икки-уч кун дарсга келмай қолипти. Опа хабар олгани хонадонга бориптилар.

— Бошимда эрим йўқ бўлганлиги учун жуда ночор турардик, — дейди ҳалиги аёл. Мактабга папкани галма-галдан иккала қизим тутарди. Баъзи кийимларни ҳам алмаштириб кийиб туришарди. Бора-бора каттасининг дарси кўпайиб, биринчи сменадан кечроқ қайтадиган бўлиб қолди. Иккинчисси папкаси йўқлиги учун боролмасди. Барака топкур Донохон ҳолимиздан хабар топгач ўша куни кечқурун бир сидра кийим-бош, папка билан кириб келди. Унинг яхшилиги дилимда муҳрланиб қолди. Ҳозир ўша қизим ҳам турмушга чиқиб, фарзандли бўлиб кетган. Биз у билан Донохоннинг яхшилигини асло унутмаймиз.

Бундай илиқ, самимий сўзларни мен Азиза Нуриддинова, Фароғат Қосимхўжаева, Мухтабар Зокироваларидан ҳам эшитдим. Улар болаларга бирдек меҳрибонлик кўрсатаётган ўқитувчидан ҳурсанд бўлиб гапирдилар.

— Ўқитувчиликни шарафли иш дейишади, — дейди муаллима Гулчеҳра Хайруллаева, — менимча унга лойиқ бўлиш учун болаларни Доно Ҳайитовадек севиш, тинимсиз меҳнат қилиш керак. Мен ҳамкасбимнинг ўғли оғир бетоб бўлиб қолган кунларда ҳам бюллетень қилмай, ишга келганида унга чин дилимдан таҳсинлар ўқиганман.

Ҳа, шундай. Д. Ҳайитова таҳсинга лойиқ ўқитувчи. У бундай эъзозга ҳалол ҳизмати билан эришяпти. Меҳнати самараси эса ўқувчиларининг ўтилган дарсларни пухта ўзлаштиришларида, бийронлигида ўз ифодасини топмоқда.

М. НУРМУҲАМЕДОВА.

• Пойтахт театрларида •

● МУҚИМИЙ номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри ижодий жамоаси режиссёр А. Фармонов раҳбарлигида ўз мухлисларига Р. Азизхўжаев ва Ҳ. Муҳаммаднинг «Куёвлар конкурси» пьесаси асосида саҳналаштирилган комедияни тақдим этди. Суратларда: ана шу саҳна асаридан лавҳалар.

Суратқаш С. КОГАН.

МАКТАБДА МУСИҚА ХОНАСИ

Янгийўл ноҳиясидаги Ильич номли ўрта мактабда мусиқа хонаси иш бошлади. Мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Ў. Рихсибоевнинг ташаббускорлиги, жонкуярлиги туфайли эски, қаровсиз ётган хона тартибга келтирилиб қайтадан таъмирланди.

Энди бу хона болаларга мусиқа санъатини ўргатадиган даргоҳга айланди. Улар бу ерда қўшиқ айтиш санъатини ва ўзбек миллий чолғу асбобларини чалишни ҳам ўрганадилар.

Хонада миллий чолғу асбобларидан ташқари санъатимиз тўғрисидаги кўргазмалар ҳам бор.

Ю. ҲАКИМОВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/I да **Жизель.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 18/I да **Паранжи сирлари.**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/I да **Отасининг қизи,** 19/I **Фармонбиби аразлади,** 20./I да **Кулги ва қўшиқ кечаси.**

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ НАШРИЁТИ пўлат шильдлар, штрихли ва растрли рух клишерлар тайёрлаб бериш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Латун шильдлар буюртмачи тавсия қилган материалларда тайёрланади.

Буюртмалар сешанба ва жума кунлари қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700029, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй «Пресса» магазини.

«ТАШОБЛАГРОСТРОЙ»-нинг З-ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИ КОМБИНАТИ **ТУГАТИЛДИ**

Даъволар 11 февралгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700015, Тошкент шаҳри, Лохутий кўчаси, 16«а»-уй.

Муҳаррир ўринбосари Р. УМАРОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Жума *

18 ЯНВАРЬ

● ЎзТВ I

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Фермерлар». Телефильм.
9.25 «Сеҳрли най». Болалар учун фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
9.50 Баскетбол бўйича ССЖИ чемпионати. «Ўзстроймеханизация» — «Будивельник» (Киев).
10.30 Араб тили. Кириш қисми.
11.00 «Ғалати гаров». Бадиий фильм («Ленфильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 «Эҳ, малика». Мультфильм.
18.20 Қувондиқ Искандаров куйлайди. Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
18.50 «Мавзуга қайтиб...» «Инсон ва қонун» туркумидан.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Дўстлик тароналари». Концерт.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Кўҳна созлар». Сурнай.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Саҳна усталари». ССЖИ халқ артисти Аброр Ҳидоятов туғилган куннинг 90 йиллигига.
23.30 Янгиликлар.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби.
19.05 «Кинокўзгудаги ҳаёт». Кинокўрсатув (рус тилида).
20.00 «Пульс». Информацион кўрсатув (рус тилида).
20.10 «Эсдалиқ учун дастхат» (такрор.).
20.40 «Миришкорлар».
21.20 «Товушлар». Телефильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.15 «Оҳанги зиндаги». Публицистик кўрсатув.
23.15 «Мен сизга эрк бериш учун келдим». Телефильм.

● МТ I

7.00 «Тонг» (120+30).
9.30 «Эртакдаги эртак». Мультфильм.
9.45 «Спрут-4». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
11.20 Казак тароналари.
11.45 «...16 ёшгача ва ундан каттапар».
12.30 «ТСН».
12.45 Халқ амалий санъати анъаналари ҳақида кўрсатув.

* * *

15.30 «ТСН».
15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Тирсак».
16.35 «Агар сиз...».
17.20 Болалар учун фильм. «Сеҳрли мунчоқ ҳақида эртак». 2-серия.
18.25 «Томошабинлар меҳри совриниі» кинофестивали. «Прелюдия». Телевизион ҳужжатли фильм. П. И. Чайковский номли мусиқа мактаби болалар камер хори ҳақида (Ростов-Дон).
18.50 «Ялангоёқ ва унинг дўстлари». Мультфильм.
19.10 «Сиз яратган боғ».
19.40 «ВИД» программаси.
19.55 «Спрут-4». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
21.30 «Время».
22.15 «ВИД» программаси.
Тунги телевидение
01.15 «Рисоладаги эркак». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
02.15 В. Пономарёва куйлайди.

● МТ II

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
Ўқув программаси
9.15 «Мен урушни қалтаклайман. Мусаввир В. В. Верешчагин». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Мусиқа. 7-синф. М. И. Глинка. «Вальс-фантазия».
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Физика. 8-синф. Учқун нега йўқолди?
12.05 «Бурда моден» таклиф этади...».

* * *

13.05 «Шунақаси ҳам бўларкан...» Телевизион бадиий фильм.
14.10 «Машшоққа ўқ узманг». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
14.40 Л. Бетховен. Виолончель ва фортепьяно учун икки соната. Ижро этадилар: В. Тонха ва Т. Алихонов.

* * *

17.20 «Ватан қанотлари». Уч серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 2-фильм — «Самолетларнинг».
18.15 Қиличбозлик. «Мастерс» халқаро турнири. Красная Пресняда халқаро савдо марказидан кўрсатилади.
19.15 Россиянинг парламент хабарномаси.
19.30 Йил фасллари.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Давлат автоинспекцияси».
20.45 «Десятуха». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Волгоград).
21.15 Спорт ҳамма учун.
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
22.15 «Иллюзион». «Чингизхон авлодидан». Бадиий фильм («Межрабпомфильм», 1928 й. М. Горький номли киностудияда 1964 йилда тикланган).
00.10 В. Ашкеназе концертларида.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Буюртма — 4729. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672.